

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

734 Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 11 майдаги ПК–2966-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари тўғрисида намунавий низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тўғрисида низом 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом 6-иловага мувофиқ;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимидаги кирувчи ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низом 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўрмон хўжалиги

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудлардаги фойдаланилмаётган, бўш турган давлат кўчмас мулки объектларини икки ой муддатда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси 2018 йилдан бошлаб ҳар йили тасдиқланадиган инвестиция дастурларига Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг таклифига асосан янгидан ўрмонзорлар барпо этиш учун махсус техника ва замонавий технологияларни сотиб олиш, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва экотуризм инфратузилмаларини ташкил этиш, ўрмон хўжалиги объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ишларини киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига «Ўзфармса-ноат» ДАК, «Дори-дармон» АК ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда ҳар йили ўрмон хўжаликларига етиштириладиган доривор ўсимликлар хом ашёсини фармацевтика фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар эҳтиёжи учун харид қилиш юзасидан шартномаларни тузилишини ва 30 фоиз миқдорда аванс маблағларини тўлаб берилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 8-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 9-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 июль,
530-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги
давлат қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Қўмита ўрмонларни барпо этиш, кўпайтириш, қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш, шунингдек ўрмон-ов, ов хўжалигини юритиш, қўриқхоналар, миллий табиат боғлар ва тизимдаги бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ишларини ташкил этиш ва юритишда ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Қўмита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди ва ҳисобот беради.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади), Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси, «Ўрмонлойиҳа» давлат унитар корхонаси, «Шифобахш» доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази ҳамда Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилиги таҳлил маркази, шунингдек қўмита тизимидаги кирувчи бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда Қўмита тизимидаги кирувчи ташкилотлар деб аталади) Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ягона тизимини ташкил этади.

5. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Қўмита ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, хорижий ва халқаро ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

7. Қўмитанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ва норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ташкилий-ҳуқуқий

шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

8. Қўмита юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва ўз номи туширилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида ҳисоб рақамларига, банк, шу жумладан чет эл валютасидаги ҳисоб рақамларига эга бўлади.

9. Қўмитанинг жойлашган ери (почта манзили): Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй, 100140.

2-боб. Қўмитанинг вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўрмон бойликларини ҳар томонлама кенгайтириш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган ўрмон хўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш;

ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини амалий назорат қилиш;

ўрмон фонди ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни самарали бошқаришни ташкил этиш, ўрмон барпо этиш, уларни қайта тиклаш, кўриқлаш, муҳофаза қилиш, ўрмонлардан оқилона ва тежамли фойдаланиш;

республикамизда ўрмонларни тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тоғ ёнбағирлари, жарликлар ва ташландиқ ерларда эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этиш ишлари бажарилишини ташкил қилиш;

ўрмон фондини, фауна ва флорасини ўрганиш ҳамда уларнинг қатъий ҳисобини юритиш, ўрмон хўжалигини юритиш амалиётига фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этиш;

ўрмонларни ёнғинлардан, зараркунанда ва касалликлардан, ноқонуний дарахт кесишдан ва бошқа ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишларидан муҳофаза қилиш;

манзарали ўсимликлар кўчатлари ва уруғларини сертификатлаш ва стандартлаштиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишни ташкил этиш;

ўрмон хўжаликларида бир-бирига боғлиқ бўлган хўжалик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш, кўчат етиштириш, доривор ўсимликларни тўплаш, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни чуқур қайта ишлаш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

тармоққа халқаро молия институтлари грантларини жалб этиш ва экологик туризмни кенг кўламда ривожлантириш;

ўрмон хўжалиги соҳасида ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

11. Қўмита ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ўрмон бойликларини ҳар томонлама кенгайтириш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган ўрмон хўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш соҳасида:

ўрмон барпо этиш орқали уларнинг майдонларини кенгайтириш, қайта тиклаш, муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш;

Қўмита тизимига кирувчи хўжаликлар ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг келгусида режалаштириладиган ишларини прогнозлаштириш, манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда соҳани ривожлантиришнинг давлат ва маҳаллий дастурларини ҳамда бош режа (схема)ларини ишлаб чиқиш;

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Қўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, ҳудудий бошқармалар ҳамда Қўмита тизими-га кирувчи республика ташкилотларининг низомларини тасдиқлаш;

Қўмита тизимига кирувчи ташкилотларда ҳисоб ва ҳисобот юритилишини ҳамда мол-мулк сақланишини, ҳисобга олинишини ва ҳисобдан чиқарилишини таъминлаш, етказилган моддий зарарни ундириш чораларини кўриш;

Қўмита тизимига кирувчи ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботларини, балансларини кўриб чиқиш, умумлаштириш, йиғма баланслар тузиш ва уларни тегишли органларга тақдим этиш;

қўмита ўзига бўйсунувчи тузилмалари орқали ўрмон муҳофазаси назоратининг чегара минтақалари дахлсизлигини таъминлаш мақсадида ҳарбийлаштирилган тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва қўшма тадбирларни амалга ошириш;

ўзига бўйсунувчи хўжаликларнинг чегарадош ҳудудлари хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш, ҳудудни ишончли қўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

чегара режим-қўриқлаш тадбирларини ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси таклифи бўйича профилактика ва чегара олди ҳудудларидаги ўрмон дарахтлари ва чангалзорларни тозалаш ишларини амалга ошириш ва назорат қилиш;

ўрмон фонди ҳудудида ҳарбийлаштирилган тузилмалар бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда жинойтчилик намоён бўлиши белгилари ва фактлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари, ички ишлар органларини хабардор қилиш, режимга боғлиқ нохуш ҳолатларни бартараф этиш бўйича самарали тезкор-қидирув фаолияти ўтказилишига кўмаклашиш;

фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини конун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлаш;

қўмита тизими фаолиятига оид газета ва журналлар чиқарилишини,

тегишли рухсатномалар, бланкалар, соҳага тегишли китоб, бюллетень ва қўлланмалар чоп этилишини ҳамда веб-сайт юритилишини ташкил этиш;

б) ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини амалий назорат қилиш соҳасида:

ўрмонларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш, ўрмон хўжаликлари ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар фаолиятини тартибга солиш ва улардан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

ўрмонлар тоифаларини белгилаш, уларни бир тоифадан бошқасига ўтказиш ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

ўрмон фондида дарахт ва буталарни парваришлаш ёки мақсадли фойдаланиш учун кесиш ҳажмларини белгилаш ва тасдиқлаш;

Қўмита тизимидаги кирувчи ўрмон фонди ерларида ўрнатилган режимга риоя қилиниши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ов қилиш қоидалари ижроси юзасидан идоравий назоратни амалга ошириш;

ўрмон фонди яйловларида чорва молларини ўтлатиш, уларни яйловларда жойлаштириш ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланишнинг бошқа турлари учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш ҳақида таклифлар ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

в) ўрмон фонди ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни самарали бошқаришни ташкил этиш, ўрмон барпо этиш, уларни қайта тиклаш, қўриқлаш, муҳофаза қилиш, ўрмонлардан оқилона ва тежамли фойдаланиш соҳасида:

Қўмита тизимидаги кирувчи хўжаликлар ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни юритишда жорий ва истикболга мўлжалланган тадбирлар тизimini қамраб олган лойиҳа қидирув тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

ўрмон, овчилик ва ихтисослашган хўжаликларни, шунингдек бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, уларнинг асосий йўналишларини белгилаш ва улар ишини юритиш;

г) республикамизда ўрмонларни тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тоғ ёнбағирлари, жарликлар ва ташландиқ ерларда эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этиш ишларини ташкил қилиш соҳасида:

ўрмон фонди ҳудудидаги чўл, тоғ ва тоғ олди яйловларининг ҳолатини яхшилаш, бойитиш, маҳсулдорлигини ошириш, қум кўчишини олдини олиш ва уларни мустаҳкамлаш, ҳудудларда чўлланишга қарши дарахт ва буталар экиш тадбирларини амалга ошириш;

сувни асровчи ўрмонларни, дарахтзор ерларни, аҳоли яшаш жойлари атрофидаги кўкаламзорлашган ҳудудларни ҳамда иқлимни тартибга солиш,

санитария-гигиена, соғломлаштириш ва бошқа химоя функцияларини бажарувчи бошқа дарахтзорларни сақлаш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

кишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа ердан фойдаланувчилар ҳудудида, шунингдек тоғ ёнбағирларида (терраса), жарликларда, қияликларда, ярқисиз ҳолдаги қазилмалар бўлган жойларда, ташландиқ ерларда шартнома асосида ихота дарахтзорлари барпо этиш ҳамда марказлашган манбалар ҳисобидан янги қурилаётган, реконструкция қилинаётган йўллар, бино ва иншоотлар атрофларини кўкаламзорлаштириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва мазкур ишларни амалга оширишни ташкил этиш;

д) ўрмон фондини, фауна ва флорасини ўрганиш ҳамда уларнинг қатъий ҳисобини юритиш, ўрмон хўжалигини юритиш амалиётига фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этиш соҳасида:

ўрмон фондида манзарали, мевали ва ёнғоқ мевали ўсимликлар кўчатчилигини ривожлантириш, кўчатлар ўстиришнинг илмий асосларини ҳамда истиқболли технологиялари ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини ташкил қилиш;

ўрмон фонди ҳудудида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг қатъий ҳисобини ҳамда давлат ўрмон кадастрини юритиш;

тизим хўжаликларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қайта тиклаш, кўпайтириш ва улардан фойдаланиш мақсадида плантация ва питомниклар ташкил этиш;

минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўрмон фондида манзарали, доривор, техник ва озубоп ўсимликларни районлаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

манзарали ўсимликларни ўстириш мақсадида турли хўжалик юритувчи субъектларга илмий-методик ва ишлаб чиқариш ёрдамини кўрсатиш;

ўрмон фонди ҳудудида техник, доривор ва озубоп ўсимликлар дехқончилигини ва уларни йиғиш, тайёрлаш борасидаги илмий ва амалий ишларни мувофиқлаштириш, илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ва озубоп ўсимликларнинг тарқалиш ҳудудини ва мавжуд ресурсларини ўрганиш, уларни йиғиш ва тайёрлашнинг мақбул миқдорини тавсия этиш;

ўрмон хўжаликларида ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш тадбирларини амалга ошириш, соҳага юқори самарали ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш;

ўрмон фонди ерларида чет эл жисмоний ва юридик шахслари учун ов қилишни ташкиллаштириш, мазкур соҳага оид чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

е) ўрмонларни ёнғинлардан, зараркунанда ва касалликлардан, ноқонуний дарахт кесишдан ва бошқа ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишларидан муҳофаза қилиш соҳасида:

ўрмонларни ёнғиндан, дарахтларни ўзбошимчалик билан кесишдан ва ўрмонга зарар етказадиган бошқа хатти-харакатлардан муҳофаза қилишни ҳамда ўрмонлар патологиясини ўрганиш натижаларига кўра ўрмон зарарку-

нандалари, касалликларини ҳисобга олиш, уларга қарши курашишни ташкил этиш;

ж) манзарали ўсимликлар кўчатлари ва уруғларини сертификатлаш ва стандартлаштиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишни ташкил этиш соҳасида:

манзарали ўсимликлар кўчатларини сертификатлаш ва стандартлаштиришнинг ягона тизимини ташкил этиш, четдан олиб келинадиган кўчатларга сертификатлар бериш механизми ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминлаш;

з) ўрмон хўжаликларида бир-бирига боғлиқ бўлган хўжалик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш, кўчат етиштириш, доривор ўсимликлар тўплаш, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни чуқур қайта ишлаш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида:

селекцион ўрмон уруғчилиги базаларини ташкил этиш, доривор, озуқабоп ва техник ўсимликлар уруғларини тайёрлаш, шунингдек ўз эҳтиёжлари ва бошқа истеъмолчиларнинг талабларини қондириш учун юқори навли кўчат ва уруғлар етиштирилишини таъминлаш;

ёғоч-тахта тайёрлашни, шунингдек хўжаликларда ёғочга ишлов бериш, миницеҳлар ташкил этиш, ёғоч чиқиндиларидан халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни, ўрмонларда қўшимча равишда фойдаланиладиган маҳсулотлар тайёрлашни ташкил этиш;

ўрмондан қўшимча фойдаланишдан олинадиган маҳсулотларни қайта ишлаш учун кичик ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш, ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тижорат ташкилотлари ташкил этиш;

ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги ва доривор экинлар, мевали ва ёнғоқ мевали дарахтларнинг ҳосилдорлиги оширилишини, маҳсулотлар етиштириш бўйича тузилган шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш;

и) тармоққа халқаро молия институтлари грантларини жалб этиш ва экологик туризмни кенг кўламда ривожлантириш соҳасида:

ўрмон фонди ҳудудида экотуризмни ривожлантириш чора-тадбирлари дастури (экотуризм йўналиш (маршрут)ларини, экотуристлик хизматлар кўрсатиш бўйича нархлар)ни ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш;

ўрмон хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, экспорт-импорт ишларини ташкил этишга кўмаклашиш, соҳага халқаро ва бошқа молия институтларининг грант маблағлари ҳамда инвестицияларини жалб қилиш, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни ўрмон хўжалигини юритиш амалиётига жорий этиш;

к) ўрмон хўжалиги соҳасида ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш соҳасида:

ўрмон хўжалиги соҳасида кадрларни тайёрлашга кўмаклашиш, захира-сини яратиш, раҳбар ходимлар ва муайян малака талаб этиладиган мута-

хассисларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш амалиётига боғлиқ ҳолда малакасини оширишни ташкил этиш.

Қўмита қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

3-боб. Қўмитанинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

12. Қўмита ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа ташкилотлардан ўрмон хўжалигини юритиш, ўрмонларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш ҳамда ўрмон ресурсларидан фойдаланиш соҳасига оид масалалар бўйича маълумотларни белгиланган тартибда сўраб олиш;

тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан келишган ҳолда соҳа мутахассисларини овчилик, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши юзасидан ўрмон хўжаликлари билан боғлиқ бўлган алоҳида масалаларни ишлаб чиқишга ва экспертизалар ўтказишга шартнома асосида жалб этиш;

давлат ўрмон фонди ерларида ўрмонларнинг давлат мониторингини, давлат ўрмон кадастрини, ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритишни ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг қатъий ҳисобини белгиланган тартибда олиб борилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини юритишда иштирок этиш;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат ўрмон фонди ерларида ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатнома бериш;

жисмоний шахсларга табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан бериладиган ёввойи ҳайвонларни тутиш рухсатномаси доирасида ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишга рухсатнома (йўлланма, ҳайвонларни тутиш варақаси) бериш;

давлат ўрмон фондидан жисмоний ва юридик шахсларга пичан ўриш, чорва молларини ўтлатиш (боқиш) ҳамда асалари уялари ва қутиларини жойлаштиришга участкалар ажратишга рухсатномалар бериш;

давлат ўрмон фонди ерларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш мақсадларида биотехник тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

давлат ўрмон фонди ерларида ўрмонни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида идоравий назоратни амалга ошириш;

ўрмон фонди ҳудудларида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома ёки далолатномалар тузиш, ҳуқуқбузарларга нисбатан жарималар (давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари ва давлат биосфера резерватларида) қўллаш;

ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқбузарлардан табиатга етказилган зарар

суммаларини ундириш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан судда ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ишнинг кўриб чиқилишида қатнашиш;

жисмоний ва юридик шахсларга ўрмон хўжалигини юритишга доир қонун ҳужжатлари бузилишини, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва химоя қилиш, ўрмон ресурсларидан фойдаланишдаги нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш;

олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига соҳага оид кадрлар захирасини тайёрлаш учун буюртма ва йўлланмалар бериш;

белгиланган тартибда марказий аппарат ва унинг тизимига кирувчи ташкилотларнинг даромадлар ва харажатлар сметаси, штат жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш;

қўмита ходимларини меҳнатига ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, мукофотлаш ва бошқа рағбатлантиришларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш;

Қўмита тизими фаолиятига оид ноширлик фаолиятини амалга ошириш.

Қўмита қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Қўмита ўз ваколатлари доирасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақли.

Қўмита, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа турдаги ҳужжатларни чиқаришга ҳақли.

14. Қўмита ва унинг мансабдор шахслари ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб берадилар.

4-боб. Қўмита фаолиятини ташкил этиш

15. Қўмитага Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланган ва лавозимдан озод этиладиган раис раҳбарлик қилади.

Қўмита раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Қўмита раиси мақоми бўйича вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

16. Қўмита раиси:

Қўмита фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

давлат органларида ва бошқа ташкилотларда Қўмита номидан вакиллик қилади ёхуд Қўмита номидан ишончнома ва (ёки) ваколатлар беради;

белгиланган умумий штатлар сони доирасида Қўмитанинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларининг штат жадвалини, шунингдек Қўмитанинг марказий аппарати, унинг ҳудудий бошқармалари ва Қўмита тизимига кирувчи ташкилотларнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Қўмитага ажратилган молиявий ва моддий маблағларни белгиланган тартибда тасарруф этади;

белгиланган тартибда марказий аппарат, Қўмита тизимига кирувчи республика ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалар тузилмаси ва низомларини, шунингдек тизимга кирувчи ташкилотлар уставларини тасдиқлайди;

белгиланган тартибда Қўмита марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бошқармалар, Қўмита тизимига кирувчи ташкилотлар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади, раис ўринбосарларининг, Қўмитанинг, Қўмита ҳудудий бошқармалари ва Қўмита тизимига кирувчи ташкилотларнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатлари, мажбуриятлари ва жавобгарлик даражасини белгилайди;

зарур бўлганда марказий аппаратнинг, ҳудудий бошқармалар ва ўрмон хўжаликларининг тузилмасига ходимларнинг чекланган умумий штатлар сонига мувофиқ ўзгартиришлар киритади;

Қўмита, ҳудудий бошқармалар ва Қўмита тизимига кирувчи ташкилотлар ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

қўмита тизимида фаолият юритаётган ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади, алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимларни фахрий унвонлар беришга ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тавсия этади.

Раис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлади.

17. Қўмита раисининг ўринбосарлари:

Қўмита назоратидаги бўлинмаларга бевосита раҳбарлик қилдилар ва Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар;

Қўмита раиси томонидан ўзларига юкланган бошқа функцияларни амалга оширадилар.

18. Қуйидагиларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш:

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси раисини — Қўмита раиси билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан;

Вилоятлар бошқармалари бошлиқлари ва давлат ўрмон хўжаликлари директорларини — тегишли вилоятлар ҳокимлари билан келишган ҳолда Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

Ҳудудий бошқармалар Қўмитага, шунингдек тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ҳисобот беради.

19. Қўмитада унинг асосий фаолият йўналишларини мувофиқлаштирадиган, Қўмита раиси (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари, шунингдек Қўмита марказий аппарати бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси раиси, вилоятлар ўрмон хўжаликлари бошқармалари, тизимга кирувчи ташкилотларнинг раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъат аъзоларининг сони ва шахсий таркиби Қўмита раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

20. Ҳайъат томонидан қуйидагилар билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилади:

Қўмитанинг мазкур Низомда назарда тутилган фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

кадрларни Қўмита номенклатурасига кирувчи лавозимларга танлаш, жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва Қўмита тизимига кирувчи ташкилотлар раҳбарларининг ҳар чорак якунлари бўйича ҳисоботларини эшитиш;

Қўмита раҳбарлари ва ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун шахсий масъулиятини ошириш.

Ҳайъат Қўмита ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

21. Ҳайъат мажлисларига бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Қўмита ваколатларига кирувчи масалаларга алоқадор бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф қилиниши мумкин.

Мажлисда Ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи ҳозир бўлганда Ҳайъат мажлиси ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

22. Ҳайъат томонидан қабул қилинган қарорлар Қўмита қарорлари ва раиснинг буйруқлари билан амалга оширилади. Қўмита раиси ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда раис мустақил равишда қарор қабул қилади, бунда юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбарига хабар қилинади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикрларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбарига маълум қилишлари мумкин.

Ҳайъат фаолияти тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

Ҳайъат мажлислари, қоида тариқасида, ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

23. Қўмита ҳузурида илмий-техник Кенгаш тузилади. Илмий-техник Кенгаш тўғрисида низом ва унинг шахсий таркиби қўмита Ҳайъати томонидан тасдиқланади.

5-боб. Қўмита тизимини молиялаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш

24. Қўмита тизими қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

Қўмитанинг марказий аппарати — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар;

ҳудудий бошқармалар — Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар;

давлат кўриқхоналари, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси ҳамда давлат ўрмон хўжаликлари — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар;

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, грантлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар;

«Ўрмонлойиҳа» давлат унитар корхонаси, «Шифобахш» доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази — бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар;

Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилиги таҳлил маркази — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар;

Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи — Тошкент вилояти маҳаллий бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

25. Қўмита ходимлари Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан, Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ходимлари Тошкент вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган намунадаги кийим-бош билан таъминланадилар.

26. Ўрмон инспекторлари, егерлар, давлат кўриқхоналари, миллий табиат боғи, давлат биосфера кўриқхонаси, биосфера резерватлари инспекторлари хизматни ўташ даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизмат куроли, унинг ўқ-дорилари ва махсус воситалар, рақамли жетон, дурбин, авто-мото ёки от-улов, қонунчилик ҳужжатлари тўплами, баённома бланкалари ва уни рўйхатга олиш китоби ва хизматга зарур бошқа инвентарлар билан таъминланадилар.

27. Қўмита қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда соҳа ходимларининг ҳаётини суғурталаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширади.

28. Ходимларнинг иш ҳақи қонун ҳужжатларида назарда тутилган лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар ва устамалар, рағбатлантириш тўловлари, шунингдек қўшимча моддий рағбатлантириш тўловларидан иборат бўлади.

6-боб. Яқунловчи қоида

29. Қўмитани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарорига
2-ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1- боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларининг (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади) мақоми, вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ҳудудий бошқармалар тегишли ҳудудда ўрмонларни барпо этиш, кўпайтириш, қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш, шунингдек ўрмон-ов, ов хўжалигини юритиш, қўриқхоналар, миллий табиат боғлар ва тизимдаги бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ишларини ташкил этиш ва юритиш ҳамда ушбу соҳадаги назоратни амалга оширувчи ҳудудий бошқарув органлари ҳисобланади.

3. Ҳудудий бошқармалар Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади), шунингдек тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига бўйсунди ва ҳисобот беради.

4. Ҳудудий бошқармалар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Ҳудудий бошқармалар ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

6. Ҳудудий бошқармаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ташки-

лий-хуқуқий шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

7. Худудий бошқармалар юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва ўз номи туширилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансига, банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

8. Худудий бошқарманинг жойлашган ери (почта манзили).

2-боб. Худудий бошқармаларнинг вазифалари ва функциялари

9. Худудий бошқармалар Қўмитанинг асосий вазифаларига мувофиқ қуйидаги вазифаларни бажаради:

худудда ўрмон барпо этиш, ўрмон фондини ҳар томонлама кенгайтириш, уларни муҳофаза қилиш ва ўрмон бойликларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ўрмон хўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишга кўмаклашиш;

ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича Қўмитага таклифлар киритиш, ўз ваколати доирасида қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан худудий назоратни амалга ошириш;

тегишли худудларда ўрмонларни тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тоғ ёнбағирлари, жарликлар ва ташландиқ ерларда эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этиш ишларини ташкил қилиш;

ўрмон фондини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини қатъий ҳисобини юритиш ва ўрганиш, фан ютуқлари ва илғор тажрибани ўрмон хўжалигини юритиш амалиётига жорий этишга кўмаклашиш;

ўрмонни ёнғинлардан, зараркунанда ва касалликлардан, ноқонуний дарахт кесишдан ва ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бошқа бузилишларидан муҳофаза қилишни ташкил этиш ва назоратини олиб бориш;

манзарали ўсимликлар кўчатларини ва экиш материалларини сертифициклаш ва стандартлаштиришни жорий қилишга кўмаклашиш;

ўрмон хўжаликларида хўжалик фаолиятларини кенгайтириш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотларини етиштириш, чуқур қайта ишлаш ҳамда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уларга кўмаклашиш;

тармоққа халқаро молия институтлари грантларини жалб этиш, экотуризмни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ўрмон хўжалиги соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш.

10. Худудий бошқармалар ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) худудда ўрмон барпо этиш, ўрмон фондини ҳар томонлама кенгайтириш, уларни муҳофаза қилиш ва ўрмон бойликларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ўрмон хўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишга кўмаклашиш соҳасида:

худуддаги хўжалик ва ташкилотларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилашда иштирок этиш;

худудларда ўрмон фондини бошқариш, ўрмондан фойдаланиш, уларни тиклаш, қўриқлаш ва муҳофаза қилишни ташкил этиш, ов хўжалиги ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий худудлар ишини юритишни ташкил этиш;

худуддаги хўжалик ва ташкилотларнинг истикболдаги кўрсаткичларини прогностлаштириш ишларини умумлаштириб, тегишли ҳокимликлар иштирокида уларни ривожлантиришнинг маҳаллий дастурларини ҳамда бош режа (схема)ларини ишлаб чиқиш;

ўрмон фонди худудида ўрмон ва худуд муҳофазаси ишини ташкил этиш, режим-қўриқлаш тадбирларини ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси таклифлари бўйича профилактика ва чегара олди худудларини ўрмон дарахтлари ва чангалзорлардан тозалашни назорат қилиш;

ўрмон фонди худудида ҳарбийлаштирилган тузилмалар бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда жиноятчилик намоён бўлиши белгилари ва фактлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасини, ички ишлар органларини тезкор хабардор қилиш, жинорий гуруҳларни ушлаш (йўқ қилиш) бўйича тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказишга кўмаклашиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда худуддаги Қўмита тизимига кирувчи ташкилотларнинг низомларини, тизимдаги ходимларнинг мансаб йўриқномалари ва ўз ваколатига оид бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;

худуддаги хўжалик ва ташкилотлар ҳамда ўрмон фондига эга бўлган бошқа ташкилотлар томонидан ўрмон хўжалигининг тўғри юритилишини, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланилишини назорат қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларга ўрмон хўжалигини юритишга доир қонун ҳужжатлари бузилишини, ўрмонларни муҳофаза қилиш, ўрмон ресурсларидан фойдаланишдаги нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

б) ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича Қўмитага таклифлар киритиш, ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан ҳудудий назоратни юритиш соҳасида:

ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан идоравий назоратни амалга ошириш;

ўрмон бойликларидан самарали фойдаланиш, ўрмонларни тоифаларга киритиш, бир тоифадан бошқасига ўтказиш юзасидан Қўмитага таклифлар киритиш;

яйловларда чорва молларини ўтлатиш, уларни жойлаштириш ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланишнинг бошқа турлари ҳақида белгиланган тартибда таклифлар ишлаб чиқиш;

в) республикамизда ўрмонларни тиклаш, ихота ўрмонларини кўпай-

тириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тоғ ёнба-гирлари, жарликлар ва ташиландиқ ерларда эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этиш ишларини ташкил қилиш соҳасида:

сувни асровчи ўрмонларни, дарахтзор ерларни, аҳоли яшаш жойлари атрофидаги кўкаламзорлашган ҳудудларни ҳамда иқлимни тартибга солиш, санитария-гигиена, соғломлаштириш ва бошқа ҳимоя функцияларини бажарувчи бошқа дарахтзорларни сақлаш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларини кўриш, ўрмон фонди ерларида жойлашган давлат табиат ёдгорликларини муҳофаза қилишни ташкиллаштириш;

чўл, тоғ ва тоғ олди яйловларининг ҳолатини яхшилаш, бойитиш, маҳсулдорлигини ошириш, кўчма қумларни мустаҳкамлаш ва уларга дарахтлар экиш тадбирларини амалга оширишни ташкиллаштириш, унинг ижросини назорат қилиш;

ҳудудда ўрмон хўжалигини тўғри юритишни, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни қайта тиклаш, парвариш қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, ихота ҳамда эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этишни ташкил этиш;

г) ўрмон фонддини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини қатъий ҳисобини юритиш ва ўрганиш, фан ютуқлари ва илғор тажрибани ўрмон хўжалигини юритиш амалиётига жорий этишга кўмаклашиш соҳасида:

манзарали ўсимликлар кўчатларини ўстиришнинг илмий асосланган ҳамда истиқболли технологиялар воситасида ишлаб чиқиши ва жорий этилишини ташкил этиш;

ўрмон фонди ҳудудида шифобахш, техник ва озуқабоп ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш борасидаги барча ишларни мувофиқлаштириш, илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг тарқалиш ҳудудини ва мавжуд ресурсларини ўрганишга кўмаклашиш, уларни йиғиш ва тайёрлашнинг мақбул миқдорини тавсия этиш ва назоратини олиб бориш;

ўрмон фондининг давлат ҳисобини ва давлат ўрмон кадастрини юритиш ишларини назорат қилиш;

ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, юқори самарали технологияларни жорий этиш тадбирлари ўтказилишига кўмаклашиш;

д) ўрмонни ёнғинлардан, зараркунанда ва касалликлардан, ноқонуний дарахт кесишдан ва бошқа ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларидан муҳофаза қилишни ташкил этиш ва назоратини олиб бориш соҳасида:

ўрмонларни ёнғиндан ҳимоя қилиш мақсадида ҳудуддаги хўжалик ва ташкилотларнинг ўт ўчириш асбоб ва ускуналари билан таъминланишини, ўрмон ёнғинига қарши курашиш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг бажарилишини ташкиллаштириш ва назоратини юритиш;

ўрмон касаллик ва зараркунандаларига қарши курашиш ишларини бажарилишини, шунингдек биологаториялар иши юритилишини назорат

қилиш, ўрмон фондига эга бўлган ташкилотларга ўрмон хўжалигини юритишда услубий ёрдам кўрсатиш;

ўрмоннинг касаллик ва зараркундалар билан зарарланишни олдини олиш ва уларга қарши курашиш ишларини ташкил этиш мақсадида ўрмон фитопатологиясини ташкил этиш ва назоратини юритиш;

ноқонуний дарахт кесиш, чорва молларини ўтлатиш, пичан ўриш, ов қилиш, балиқ овлаш, доривор, манзарали ва бошқа турдаги табиий ўсимликларни ноқонуний терилишини олдини олиш тадбирларини амалга ошириш ҳамда уларнинг назоратини олиб бориш;

ўрмон фонди ҳудудларида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома ёки далолатномалар тузиш, ҳуқуқбузарларга нисбатан жарималар (давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари ва давлат биосфера резерватларида) қўллаш;

ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш мақсадида соҳага оид ваколатли органлар билан қўшма тадбирлар тузиш ва уни амалга ошириш;

е) манзарали ўсимликлар кўчатларини ва экиш материалларини сертификатлаш ва стандартлаштиришни жорий қилишга кўмаклашиш соҳасида:

минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда манзарали ўсимликларни районлаштириш бўйича ўз тавсияларини киритиш;

манзарали ўсимликлар кўчатларини ва экиш материалларини сертификатлаш ва стандартлаштиришни жойларда жорий қилишни ташкил этишга кўмаклашиш;

ж) ўрмон хўжаликларида хўжалик фаолиятларини кенгайтириш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотларини етиштириш, чуқур қайта ишлаш ҳамда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уларга кўмаклашиш соҳасида:

боғлар, тоқзорлар, қишлоқ хўжалиги экинлари, мевали ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

ёғоч-тахта тайёрлашни, шунингдек ёғочдан, ёғоч чиқиндиларидан халқ истеъмол товарлари ва ишлаб чиқариш мақсадларидаги товарлар ишлаб чиқаришни, ўрмонларда қўшимча равишда фойдаланиладиган маҳсулотлар тайёрлашга кўмаклашиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш;

з) тармоққа халқаро молия институтлари грантларини жалб этиш, экотуризмни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш соҳасида:

тармоққа халқаро ва бошқа молия институтлари грантлари ҳамда инвестицияларни жалб этиш;

экотуризмни ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш, унинг ижросини таъминлашга, экотуризм инфратузилмасини шакллантиришга амалий ёрдам кўрсатиш;

ўрмон фонди ҳудудларида овчилик, балиқ овлаш ва чет эл жисмоний

ва юридик шахслари учун ов уюштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш ва экспортни амалга оширишга кўмаклашиш;

и) ўрмон хўжалиги соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш соҳасида:

кадрлар захирасини яратиш, ўрмон хўжалиги соҳасида раҳбар ходимлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш ишларига кўмаклашиш.

Худудий бошқармалар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

3-боб. Худудий бошқармаларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

11. Худудий бошқармалар ўзига юкланган вазифалар ва функциялардан келиб чиқиб, қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўрмон барпо этиш, қайта тиклаш, муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда овчилик хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, уларни бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ўрмон барпо этиш, қайта тиклаш, ўрмонни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги маҳаллий дастурларни ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш;

ўрмон барпо этиш, қайта тиклаш, ўрмонни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги қондаларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ўрмонни муҳофаза қилиш, қўриқлаш ва ундан фойдаланиш ишларини, шу жумладан дарахт ва буталарни кесиш режаларининг амалга оширилишини назорат қилиш;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш мақсадларида биотехник тадбирларни амалга оширишни ташкил этиш;

жисмоний ва юридик шахсларга ўрмон хўжалигини юритишга доир қонун ҳужжатлари бузилишини, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилишдаги, ўрмон ресурсларидан фойдаланишдаги камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш;

худуддаги ўрмон хўжалиги ва бошқа ташкилотларнинг ҳисоботларини қабул қилиш, ҳисобот ва маълумотларни умумлаштириб, таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига тақдим этиш.

Худудий бошқармалар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Худудий бошқармалар ва унинг мансабдор шахслари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб берадилар.

4-боб. Худудий бошқармаларнинг фаолиятини ташкил этиш

13. Қўйидагиларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш:

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси раисини — Қўмита раиси билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан;

Худудий бошқармалар бошлиқлари ва давлат ўрмон хўжаликлари директорларини — тегишли вилоятлар ҳокимлари билан келишган ҳолда Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

14. Худудий бошқармалар бошлиқлари мазкур намунавий низомга асосан иш кўради ҳамда ўзларига қарашли ўрмон хўжалиги ва бошқа ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилади.

Худудий бошқармалар бошлиқлари:

ўз зиммаларига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун, шунингдек тизимга қарашли хўжалик ва ташкилотлар иши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

худуддаги ўрмон хўжаликлари директорларини, ўрмон хўжаликлари директорларининг режим (чегара) бўйича ўринбосарларини, ўрмон хўжаликлари бош бухгалтерларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича Қўмитага тавсиялар киритади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда худуддаги Қўмита тизимига кирувчи ташкилотларнинг низомларини, ходимларнинг мансаб йўриқномаларини, худудий бошқармалар даромадлар ва харажатлар сметасини ва ўз ваколатига оид бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;

худуддаги Қўмита тизимига кирувчи ташкилотларнинг ишини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш, ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун айбдорларни жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомаларни рўйхатдан ўтказиш, ҳуқуқбузарлик бўйича материалларни ва табиатга етказилган зарарни ундириш бўйича ҳужжатларни белгиланган тартибда ваколатли органларга тақдим этилишини таъминлайди;

худудий бошқарма ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар қабул қилади ва кўрсатмалар беради;

ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларни фахрий унвонлар ва давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этиш бўйича Қўмитага тавсия киритади;

ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишга қабул қилади ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилади;

худудий бошқарма номидан соҳага тегишли фаолият амалга оширилишида зарур бўлган шартномалар тузишни ҳамда банк муассасаларида молиявий ва пул операцияларини амалга оширади;

давлат органлари, судлар ва бошқа ташкилотларда бошқарма, ўрмон хўжаликлари манфаатларини ифодалайди.

15. Худудий бошқарма бошлиғи ўринбосари — бош ўрмонбеги (кейинги ўринларда бош ўрмонбеги деб аталади) худудий бошқарма бошлигининг тақдимномасига кўра Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Бош ўрмонбеги:

ўрмонни муҳофаза қилиш ва қўриқлаш тадбирларини ўтказиш, ўрмон назорати, ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши бўйича ўрмон назоратчилари, ўрмон муҳандислари ишини ташкил этиш ва назоратини олиб бориш;

ўрмон назоратчилари томонидан қурол-яроғ, ўқ-дорилар сақланишини ва уларнинг тўғри қўлланилишини, кийим-бош, алоқа воситалари, техник асбоб-ускуналар, махсус анжомлар ва бошқалар сақланиши, таъминланишини назорат қилади.

5-боб. Худудий бошқармаларнинг фаолиятини молиялаштириш

16. Худудий бошқармалар Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

17. Худудий бошқармалар ҳамда уларга қарашли ўрмон хўжалиги ва ташкилотлар ходимларини меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

18. Худудий бошқармалар ва унинг тизимидаги ходимлар хизмат бурчини бажариш вақтида шикастланган, жароҳат олган ёки майиб бўлган тақдирда — ходимга, шунингдек ўрмонларда ёнғинни ўчиришда ва хизматни бошқа турларини амалга оширишда қатнашиш жараёнида ҳалок бўлган ҳолларда — унинг оила аъзоларига қонун ҳужжатларига мувофиқ йиллик ўртача иш ҳақининг камида олти баравари миқдорда бир йўла бериладиган моддий ёрдам кўрсатилади.

19. Худудий бошқармалар ходимлари Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган намунадаги кийим-бош билан таъминланадилар.

20. Ўрмон инспекцияси ходимлари, хўжалик егерлари, давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғи, биорезерват инспекторлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизматни ўташ даврида хизмат қуроли, унинг ўқдорилари ва махсус воситалар билан таъминланадилар.

6-боб. Яқунловчи қоида

21. Худудий бошқармалар фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси
Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари ва овчилик
хўжаликлари бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади)нинг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарма Қўмита Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари, давлат биосфера резерватлари ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда овчилик хўжалиқларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш соҳасида бошқарувни амалга оширади.

3. Бошқарма Қўмитага бўйсунди ва ҳисобот беради.

4. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Бошқарма ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, хорижий ва халқаро ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

6. Бошқарма юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва ўз номи туширилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида ҳисоб рақамларига, банк, шу жумладан чет эл валютасидаги ҳисоб рақамларига эга бўлади.

7. Бошқарманинг жойлашган ери (почта манзили): Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 2-а уй, 100041.

**2-боб. Бошқарманинг асосий вазифалари ва
функциялари**

8. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:
давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари, давлат биосфера резер-

ватлари ҳамда овчилик хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ва биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишга қаратилган давлат, халқаро ва минтақавий дастурларнинг ишлаб чиқишида иштирок этиш ҳамда таклифлар киритиш;

давлат ўрмон фондида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва овчилик хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш чораларини кўриш;

соҳага оид илмий фаолиятни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро маълумот алмашишнинг йўлга қўйиш;

тизимдаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда жорий этилган режимга риоя этилишини таъминлаш ва соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан Қўмига таклифлар киритиш;

давлат ўрмон фонди ерларида ов масканларини ташкил этиш, ов қилиш муддатлари, ёввойи ҳайвонларни тутиш ва муҳофаза этиладиган ҳудудлардан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш тартиби ҳамда ўрмон фонди ерларида экологик туризмни ривожлантириш юзасидан Қўмига таклиф киритиш;

давлат ўрмон фонди ерларида ҳайвонот дунёси объектлари мониторинги ва ҳисобини юритиш ҳамда ҳайвонот дунёси ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри бўйича маълумотларни тўплаш;

давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари, давлат биосфера резерватлари ва овчилик хўжаликлари учун мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда фаол иштирок этиш;

давлат ўрмон фонди ерларида белгиланган тартибда ажратилган квоталар асосида ёввойи ҳайвонларни овлаш, ов маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда, овчилик хўжаликларида ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиш юзасидан назоратни амалга ошириш

9. Бошқарма ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари, давлат биосфера резерватлари ҳамда овчилик хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш соҳасида:

ўрмон хўжалиги, ўрмон барпо этиш, уларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, ёнғинга қарши ва бошқа турдаги тадбирларнинг миллий табиат боғлари ҳамда овчилик хўжаликларида амалга оширилишини ташкил этиш;

ёввойи ҳайвонларни ярим тутқун шароитларда ушлаш ва кўпайтириш (вольер, питомник, серпентарий ва бошқалар) ҳамда биотехник тадбирларни амалга ошириш;

Қўмита билан келишган ҳолда маҳаллий ва халқаро доирадаги ҳамкорликни амалга ошириш, маркетинг хизматларини кўрсатиш, олиб борилган ишлар тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Қўмитага ҳисобот тақдим этиш;

б) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ва биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишга қаратилган давлат, халқаро ва минтақавий дастурларни ишлаб чиқишида иштирок этиш ҳамда таклифлар киритиш соҳасида:

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг бошқарилиши, ташкилий функциялари масалалари бўйича халқаро илмий конференция ва семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа илмий ташкилотлар билан бирга ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ёввойи ҳайвонлар ҳисобини юритиш, овлаш миқдорини аниқлаш, шунингдек техник, доривор ва озуқабоп ўсимликлар хом ашёсини тайёрлаш ҳажмлари аниқланишини ташкил этиш;

в) давлат ўрмон фондида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва овчилик хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш чораларини кўриш соҳасида:

давлат ўрмон фондида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш юзасидан ҳар томонлама асосланган таклифларни ишлаб чиқиш ва Қўмитага тақдим этиш;

ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаган ҳолда овчилик хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва Қўмитага киритиш;

г) соҳага оид илмий фаолиятни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро маълумот алмашинувини йўлга қўйиш соҳасида:

табиий жараёнлар илмий-тадқиқотларини ва мониторингини ташкил этиш ва олиб бориш;

ваколатли органлар билан келишган ҳолда қўриқхоналар ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда тажриба-синов ишларини ўтказиш ва тугалланган илмий натижаларни қўллаш учун тажриба-хўжалик ҳудудларини белгилаш;

д) тизимдаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда жорий этилган режимга риоя этилишини таъминлаш ва соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан Қўмитага таклифлар киритиш соҳасида:

ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бошқарилиши ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси, ҳайвонот дунёси объектларини қайта тиклаш ва ундан фой-

даланиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

е) давлат ўрмон фонди ерларида ҳайвонот дунёси объектлари мониторинги ва ҳисобини юритиш ҳамда ҳайвонот дунёси ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар кадастри бўйича маълумотларни тўплаш соҳасида:

давлат ўрмон фонди ерларида ҳайвонот дунёси объектлари мониторинги ва ҳисоби юритилишини ташкил этиш;

ҳайвонот дунёси ва муҳофаза этиладиган ҳудудлар давлат кадастри бўйича маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва Қўмига ҳамда тегишли органларга тақдим этиш;

ж) давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари, давлат биосфера резерватлари ва овчилик хўжаликлари учун мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда фаол иштирок этиш соҳасида:

давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари, давлат биосфера резерватлари ва овчилик хўжаликлари учун мутахассисларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув режалари ҳамда машғулотларни ўтказиш тартиби ишлаб чиқилишида иштирок этиш;

тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг хорижий давлатларда малакасини ошириш бўйича Қўмига тақлиф киритиш;

з) давлат ўрмон фонди ерларида ов масканларини ташкил этиш, ов қилиш муддатлари, ёввойи ҳайвонларни тутиш ва муҳофаза этиладиган ҳудудлардан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш тартиби ҳамда давлат ўрмон фонди ерларида экологик туризмни ривожлантириш юзасидан Қўмига тақлиф киритиш соҳасида:

давлат ўрмон фонди ерларида овчилиги юритишни ташкил этиш, ов ресурсларини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

муҳофаза этиладиган ҳудудлардан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш тартиби ҳамда фойдаланганлик учун тўловлар миқдорини ишлаб чиқиш;

давлат ўрмон фонди ерларида экологик туризмни ривожлантириш мақсадида туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, сервис хизматларини такомиллаштириш, туристларни жалб этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

ҳалқаро туризм, шу жумладан махсус туризм турлари (ов, балиқ ушлаш, тоққа чиқиш, экологик туризм ва бошқалар)ни ташкил этиш ва амалга ошириш;

и) давлат ўрмон фонди ерларида белгиланган тартибда ажратилган квоталар асосида ёввойи ҳайвонларни овлаш, ов маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасида:

давлат ўрмон фонди ерларида маҳаллий, чет эл жисмоний ва юридик шахслари учун ов қилишини ташкил этиш, мазкур соҳага оид чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва унинг назоратини олиб бориш;

к) тизимдаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларида, овчилик хўжаликларида ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича тегишли чораларни кўриш соҳасида:

Республика Овчилар ва балиқчилар жамиятига қарашли вилоятлар бўлинмаларига ўрмон фонди ерларидаги шартнома асосида бириктирилган ов масканларида шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш.

3-боб. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Бошқарма ўзига юкланган асосий вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқармага қарашли муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва овчилик хўжаликларини бошқариш;

Бошқарма тизимида кирувчи ташкилотларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида Қўмига белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси, шунингдек халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ўсимлик ва ҳайвонот дунёси соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича ҳамкорлик қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ички ишлар органлари билан келишган ҳолда хизмат ўқ отар қуроллари ва ўқ дориларни сотиб олиш ва улардан хизмат мақсадларида фойдаланиш;

ўрмон фондидаги ов-ўлжа ҳайвонлари турларининг давлат кадастрини юритиш;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларга ов хўжалигини юритиш ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш масалаларида ўз ваколати доирасида кўрсатмалар бериш;

давлат ўрмон фонди ерларида корхона ва ташкилотлар билан ов масканлари, овчилик-балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш ҳамда юритилиши бўйича шартномалар тузиш;

ўрмон фонди ерларида ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларга ов хўжалигини юритиш ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш борасида ўз ваколати доирасида услубий ёрдам кўрсатиш ва назоратни амалга ошириш;

давлат ўрмон фонди ерларида чорвачилик ва ов хўжаликлари учун хавфли ёввойи йиртқич ҳайвонларни бартараф қилиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш;

Бошқармага қарашли овчилик ва ўрмон ов хўжаликлари тўғрисидаги низомларни, харажатлар сметасини ва штат жадвалини тасдиқлаш, уларнинг бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларини қабул қилиш ҳамда Қўмига ва тегишли органларга тақдим этиш;

жисмоний шахсларга табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан бериладиган ёввойи ҳайвонларни тутиш рухсатномаси доирасида ҳайвонот

дунёси объектларидан фойдаланишга рухсатнома (йўлланма, хайвонларни тутиш варакаси) бериш;

давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари, давлат биосфера резерватлари, давлат биосфера қўриқхонаси ҳудудларига кириш ва илмий-тадқиқотлар олиб бориш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;

соҳага халқаро ва бошқа молия институтлари, донор ташкилотларнинг грант маблағларини ҳамда инвестицияларни жалб этиш;

ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича Қўмитага таклиф киритиш;

белгиланган намунадаги ва белгиланган тартибда тасдиқланган фарқловчи белгили кийим-бош кийиб юриш;

Бошқармага қарашли хўжалик ва ташкилотларда ўрмон, ўсимлик ва хайвонот дунёсига етказилган зарарни жисмоний ва юридик шахслардан белгиланган тартибда ундириш чораларини кўриш;

хайвонларнинг ноёб ва қимматли турларини боқиш ва кўпайтириш бўйича серпентарий ва питомниклар ташкил этиш;

соҳага оид савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланиш;

ўрмон ва ёрдамчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш;

ёввойи хайвонлар хом ашёларини, овчилик ва балиқчилик маҳсулотларини қайта ишлаш цехларини ташкил этиш.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

11. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

12. Бошқармага Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ (кейинги ўринларда бошлиқ деб аталади) раҳбарлик қилади.

Бошлиқ ўринбосари ва бош ҳисобчи Бошлиқ тавсиясига асосан Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Бошлиқ:

Бошқарма аппарати, шунингдек Бошқарма таркибига кирувчи ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бошқарма аппарати таркибий бўлинмалари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ҳамда уларнинг жавобгарлик даражасини белгилайди;

Қўмита билан келишган ҳолда Бошқарма аппаратининг штат жадвалини, таркибий бўлинмалар низомларини тасдиқлайди ҳамда ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларнинг белгиланган тартибда Қўмитага тақдим этилишини таъминлайди;

Бошқарма номидан ўз ваколати доирасида шартнома ва битимлар тузади;
Давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари, давлат биосфера резер-

вати, давлат биосфера қўриқхонаси, овчилик хўжалиги директорларининг илмий ишлар бўйича ўринбосарлари, ўринбосарлар — бош нозирлар, бош ўрмонбегилар, бош ҳисобчиларни хўжалик раҳбарларининг тавсиясига биноан Қўмита билан келишган ҳолда лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

5-боб. Бошқармани молиялаштириш

14. Бошқарма қуйидагилар ҳисобидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

мусодара этилган овчилик қуроллари ва балиқ овлаш воситалари, қонунга хилоф равишда қўлга киритилган ўлжа маҳсулотларини сотишдан тушган маблағлар;

Бошқармага қарашли хўжалик ва ташкилотларнинг ажратмалари;

ов ва балиқчилик хўжаликларининг маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотишдан тушган маблағлар;

савдо-воситачилик фаолиятдан тушган маблағлар;

ўрмон ва ёрдамчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишдан тушган маблағлар;

ҳалқаро туризм, шу жумладан махсус туризм турлари (ов, балиқ ушлаш, тоққа чиқиш, экологик туризм ва бошқалар)ни ташкил этишдан тушган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари;

бюджетдан ташқари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.


6-боб. Яқунловчи қоида

15. Бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарорига
4-ИЛОВА

734-молда

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган сони — 30 нафар.

— 194 —

30 (790)-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2017 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги
давлат қўмитаси Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот
институтининг тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг (кейинги ўринларда Институт деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Институт Қўмитага бўйсунди ва ҳисобот беради.

3. Институт республикада манзарали боғдорчиликни ривожлантиришнинг ягона стратегиясини амалга ошириш, эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этишнинг илмий асосланган технологияларини жорий этиш, доривор ўсимликлар плантацияларини яратиш, қурғоқчиликка, зараркунанда ва касалликларга чидамли ўсимликлар турларини танлаш, манзарали ўсимликлар кўчатларини сертификатлаш ва стандартлаштиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилишни амалга оширувчи республика илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

4. Институт ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Ўзбекистон Фанлар Академияси, илмий текшириш институтлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, хорижий ва халқаро ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

5. Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Институт юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва ўз номи туширилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида ҳисоб рақамларига, банк, шу жумладан чет эл валютасидаги ҳисоб рақамларига эга бўлади.

7. Институтнинг жойлашган ери (почта манзили): Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Дархон қўрғони, 111104.

2-боб. Институтнинг асосий вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжини тизимли ўрганиш асосида республикада манзарали боғдорчиликни ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

манзарали, мевали дарахтлар ва бута кўчатлари етиштириш, доривор ўсимликлар плантацияларини яратиш, тоғ ёнбағирларида, чўл ва лалми ерларда етиштириладиган, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркундаларга чидамли бўлган ўсимликлар селекцияси ва уруғчилиги бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш;

ўрмон фонди ерларининг экологик ҳолатини яхшилаш, ўрмонларни кенгайтириш ва қайта тиклаш, чўлланишининг олдини олиш, ихота ўрмонлари барпо этиш бўйича самарали инновацион усулларни ишлаб чиқиш;

манзарали ўсимликлар кўчатлари етиштиришнинг илмий асосларини ҳамда истикболли технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қурғоқчиликка, зараркунанда ва касалликларга чидамли ўсимликлар турларини танлаш, манзарали ўсимликларни районлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этишнинг илмий асосланган технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

импорт ўрнини босадиган доривор ўсимликлар уруғлари, шунингдек манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари етиштиришни ташкил этиш;

манзарали ўсимликлар кўчатларини сертификатлаш ва стандартлаштиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш;

ўрмон хўжалиги соҳасида илмий ходимларни тайёрлаш, соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

9. Институт ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжини тизимли ўрганиш асосида республикада манзарали боғдорчиликни ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

ўрмон хўжалиги тадбирларини механизациялаш ва ўрмон хўжаликлари иқтисодий йўналишларида мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш юзасидан Қўмитага таклифлар киритиш;

манзарали боғдорчиликни ривожлантириш учун дарахт, бута, чала бута ва ўт ўсимликларнинг асортиментларини ички ва ташқи бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тизимли ўрганиш;

б) манзарали, мевали дарахтлар ва бута кўчатлари етиштириш, доривор ўсимликлар плантацияларини яратиш, тоғ ёнбағирларида, чўл ва лалми ерларда етиштириладиган, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркундаларга чидамли бўлган ўсимликлар селекцияси ва уруғчилиги бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш соҳасида:

ўрмон фонди ерларининг экологик ҳолатини яхшилаш мақсадида серхосил, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, дарахт ва бута навларини селекция йўли билан яратиш;

ўрмон ўсимликлари селекцияси ва уруғчилиги, доривор ўсимликлар плантациясини барпо этиш, ўрмонзорларни зараркунанда ва касалликлардан химоя қилиш борасида илмий тадқиқотларни олиб бориш, уларни натижаси бўйича Қўмига тақлиф киритиш;

в) ўрмон фонди ерларининг экологик ҳолатини яхшилаш, ўрмонларни кенгайтириш ва қайта тиклаш, чўлланишининг олдини олиш, ихота ўрмонлари барпо этиш бўйича самарали инновацион усулларни ишлаб чиқиш соҳасида:

тоғ мелиорацияси, чўлларнинг ўрмон мелиоратив ўзлаштирилиши, ихота ўрмонзорларини, ўрмон кўчатхоналарини ташкил этиш;

ихота ўрмонзорлари барпо этишнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш;

Орол денгизининг қуриган тубида ва атрофидаги ҳудудларда экологик вазиятни яхшилаш, атмосферага кўтарилаётган чанг, туз ва қумларни тўхта-тиш мақсадида маданий ўрмонзорлар ва ихота дарахтзорлар барпо этиш бўйича самарали усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича илмий тавсиялар бериш;

г) манзарали ўсимликлар кўчатлари етиштиришнинг илмий асосларини ҳамда истиқболли технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасида:

манзарали ўсимлик кўчатларини етиштиришнинг илмий асосланган агротехнологиясини ишлаб чиқиш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш;

д) минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қурғоқчиликка, зараркунанда ва касалликларга чидамли ўсимликлар турларини танлаш, манзарали ўсимликларни районлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш соҳасида:

ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қурғоқчиликка, зараркунанда ва касалликларга чидамли ўсимликларнинг янги навларини яратиш;

манзарали дарахт ва бута ўсимликларини районлаштириш, уларни ўстириш ва ривожлантириш бўйича истиқболли технологияларни ишлаб чиқиш;

е) эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этишнинг илмий асосланган технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасида:

экологик вазиятни барқарорлаштириш, эрозия (шамол, тупроқ ва сув)-га қарши дарахтзорлар барпо этишнинг илмий асосланган самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича технологияларни тавсия этиш;

ж) импорт ўрнини босадиган доривор ўсимликлар уруғлари, шунингдек манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари етиштиришни ташкил этиш соҳасида:

импорт қилинаётган доривор ўсимликлар уруғлари ҳамда манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини етиштириш бўйича илмий-тадқиқот

ишларини олиб бориш, уларни етиштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш;

з) манзарали ўсимликлар кўчатларини сертификатлаш ва стандартлаштиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш соҳасида:

илмий лойиҳалар доирасида ҳар бир дарахт, бута, чала бута ва ўт ўсимликларининг иқлим шароитига мос ҳолда ўсиш ва ривожланиши бўйича стандарт кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ҳамда шу асосда кўкаламзорлаштириш тадбирларида фойдаланиш учун ҳар бир ўсимлик турига алоҳида лицензия ёки сертификат олиш учун тавсия бериш;

и) ўрмон хўжалиги соҳасида илмий ходимларни тайёрлаш, соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини оширишни ташкил этиш соҳасида:

ўрмон хўжалиги соҳасида илмий ходимларни тайёрлаш, соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

замонавий талаблар ва ривожланган давлат тажрибасини инobatга олган ҳолда ўрмон хўжалиги ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тадбирларини амалга ошириш;

махаллий ва хорижий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорлик ишларини ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун шартномалар тузиш, хорижий илмий-тадқиқот ташкилотларида ходимларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

Институт қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

3-боб. Институтнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Институт ўзига юкланган вазифа ва функцияларини амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

илмий-тадқиқот ишларининг режаларини, иш дастурлари ва бажариш усулларини ҳамда илмий ҳисоботларни муҳокама қилиш мақсадида илмий кенгаш ташкил этиш;

илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун Қўмитага тақдим этиш;

ўрмон хўжаликлари ва бошқа ташкилотларга ўрмон хўжалиги тадбирларини амалга ошириш ва фаолиятни илмий асосда юритиш борасида илмий-услубий ёрдам кўрсатиш;

ўрмон хўжалигини ривожлантириш соҳасида бошқа илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари томонидан амалиётга жорий этишга тавсия қилинаётган ишланмаларни ўрганиш ва хулоса бериш;

илмий ишлар тўпламлари, монографиялар, дарсликлар, тавсияномалар ва брошюраларни, оммавий ахборот воситаларида илмий-оммабоп мақолаларни чоп этириш;

ўрмон хўжалиги соҳасидаги ташкилотларда илм-фан ютуқларини жорий этилишида муаллифлик назоратини олиб бориш;

жисмоний ва юридик шахсларга ўрмон, манзарали ва доривор ўсимликларнинг кўчатлари ҳамда уруғларини шартнома асосида етказиб бериш;

институтнинг фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобидан тушган пул маблағларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

ер майдонларидан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, суғориш тизимларини такомиллаштириш ва сув захираларидан тежамли фойдаланиш борасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

таркибий бўлинмалар, унга қарашли ташкилотлар тўғрисидаги низомларни, уларнинг даромадлар ва харажатлар сметасини, штат жадвалларини тасдиқлаш;

жойларда ўрмон хўжалиги соҳасининг илм-фан, илмий-тадқиқот йўналишларини ривожлантириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг бошқа илмий бўлимларини ёки филиалларини ташкил этиш;

шартнома асосида илмий-тадқиқот ишларини бажариш, илмий-услубий хизматлар кўрсатиш;

Институт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш;

Институт тизими фаолиятига оид ноширлик фаолиятини амалга ошириш.

Институт қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

11. Институт, зарур ҳолларда, бошқа институтлар, бошқа идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа турдаги ҳужжатларни чиқаришга ҳақли.

12. Институт ва унинг мансабдор шахслари ўзларига юкланган асосий вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб берадилар.

4-боб. Институт фаолиятини ташкил этиш

13. Институтга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Қўмита раисининг ўринбосари — Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти директори (кейинги ўринларда Институт директори деб аталади) раҳбарлик қилади.

14. Институт директорининг ўринбосарлари Институт директори тавсиясига асосан Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

15. Институт бош ҳисобчиси Қўмита билан келишилган ҳолда Институт директори томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

16. Институт директори:

Институт фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда Институтга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

давлат органларида ва бошқа ташкилотларда Институт номидан вакиллик қилади;

белгиланган умумий штатлар сони доирасида Институт аппарати ва унга қарашли ташкилотларининг штат жадвалини, шунингдек Институтнинг ва унинг тизим ташкилотларининг даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Институтга ажратилган молиявий ва моддий маблағларни белгиланган тартибда тасарруф этади;

Институт номидан фаолият юритади ва бошқа ташкилотларда институт манфаатларини ҳимоя қилади;

Институтга қарашли хўжалик ва ташкилотлар тўғрисидаги низомларни ва лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

Институт ходимларини, Институтга қарашли хўжалик ва ташкилотлар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Институт ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади, Институт директори ўринбосари ва Институтга қарашли хўжалик ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларининг ваколатлари, мажбуриятлари ва жавобгарлик даражасини белгилайди;

Институт аппарати ва Институтга қарашли хўжалик ва ташкилотларнинг тузилмасига ходимларнинг чекланган умумий штатлар сонига мувофиқ ўзгартиришлар киритади;

Институт аппарати ва Институтга қарашли хўжалик ва ташкилотлар ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Институт тизимида фаолият юритаётган ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади, алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларни фахрий унвонлар беришга ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тавсия этади.

Директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Институтда институт директори тавсияси асосида таркиби ва низоми Қўмита раиси томонидан тасдиқланадиган Илмий кенгаш тузилади.

Илмий кенгаш таркибига институтнинг соҳада етук ва юқори малакага эга бўлим ва лабораториялар бошлиқлари, етакчи илмий ходимлар, касаба уюшмасининг вакиллари, шунингдек юқори ташкилот, илмий муассасалар вакиллари киритилади.

18. Институт директори бир вақтнинг ўзида Илмий кенгаш раиси, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, Илмий кенгаш раисининг ўринбосари, институт илмий котиби эса Илмий кенгаш котиби ҳисобланади.

19. Илмий кенгаш:

институт илмий фаолиятининг асосий йўналишларини муҳокама қилади;

институтнинг илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш учун тавсиялар бериш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади ва тегишли қарорлар қабул қилади;

илмий-тадқиқот ва тажриба ишларининг режа лойиҳаларини, илмий-тадқиқотларнинг дастур ва услубиётларини, илмий кадрларни тайёрлаш, илмий ишларни чоп этиш лойиҳаларини, мажлислар ва конференцияларнинг дастурларини кўриб чиқади;

таркибий бўлинмалар ва илмий ходимларнинг ҳисоботларини, институтнинг илмий ва илмий-ташкилий фаолиятининг натижалари бўйича ҳисоботларини эшитади ва муҳокама қилади;

институт таркибига киритиладиган ўзгартиришлар, шунингдек илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун ажратилган молиявий маблағлардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади;

муҳим илмий муаммолар, илмий маърузалар, диссертацияларни муҳокама қилади ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун институт таркибий бўлинмалари томонидан берилган тавсия ва таклифларни кўриб чиқади;

бошқа илмий муассасалар билан ижодий ҳамкорлик олиб бориш ва мувофиқлаштириш масалаларини муҳокама қилади;

катта илмий ходим-изланувчиларни тайёрлаш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар, диссертация ишларининг мавзулари ва дастурларини, ўқув режаларини кўриб чиқади;

институт илмий ходимлари ва бошқа илмий ташкилотларнинг ходимларига илмий унвон бериш масаласини муҳокама қилади ва белгиланган тартибда Қўмита ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига тақдим этиш бўйича тавсия беради.

Илмий кенгаш йиғилишда кенгаш аъзоларининг яримдан кўпи қатнашган тақдирда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Илмий даража бериш масалалари билан шуғулланиш учун институт ҳузурида қонун ҳужжатларига мувофиқ ихтисослашган Илмий кенгаш ташкил этилади.

20. Институт ўзига қарашли барча илмий-тажриба хўжаликларининг ташкилий хўжалик фаолиятини назорат қилиб, мувофиқлаштириб боради.

5-боб. Институтни молиялаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш

21. Институтнинг хўжалик ҳисобидан олган даромадлари институт моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ходимларни моддий рағбатлантириш, илмий ходимларни тайёрлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланади.

22. Институт Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, грантлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

6-боб. Яқунловчи қоида

23. Институтни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарорига
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва қуйидаги мақсадларда ташкил этилади;

ўрмон фонди ерларидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, такроран кўпайтириш;

ўрмон хўжалигини ривожлантириш, ўрмон хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларини сақлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати ва Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилишни молиялаштириш.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

3. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

а) ўрмон фонди ерларида Ўзбекистон Қизил китобига киритилмаган табиий ҳолда ўсувчи ўсимлик хом ашёларини териш, йиғишга рухсатнома олиш учун аризаларни кўриб чиққанлик ва рухсатномалар берганлик учун ундириладиган маблағларнинг 100 фоизи;

б) ўрмон фонди ерларида (давлат кўриқхоналари, миллий табиат боғлари, биорезерват, ов хўжаликлари инспекторлари ва егерлари томонидан

аниқланган ҳуқуқбузарликлардан ташқари) ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига етказилган зарарни қоплаш бўйича ундирилган маблағларнинг 100 фоизи;

в) ўрмон фондининг рухсат этилган ҳудудларида (миллий табиат боғлари, биорезерват, ов хўжаликларидан фойдаланишдан ташқари) чорва молларини ўтлатиш, ўрмон фонди участкаларида пичан ўриш, ўрмон фонди участкаларида асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш, ўрмон фонди участкаларида дарахт ва буталарни кесмаган ҳолда ўтин ва шох-шаббаларни йиғиш, давлат ўрмон фонди участкаларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланганлик учун тўловларнинг 50 фоизи;

г) Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги ўрмон хўжаликларининг ривожлантириш жамғармасига тушган маблағларнинг (мазкур Низом 4-бандининг «а», «б», «в» кичик бандларида белгиланган тўловлар чегириб ташланган ҳолда) 10 фоизи миқдоридagi ажратмалар (давлат қўриқхоналари, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси, «Шифобахш» доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази ва Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тизимидаги хўжалик ва ташкилотлардан ташқари);

д) юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари;

е) Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларида жойлаштиришдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

4. Жамғармага тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилик шахсий ҳисоб рақамида жамланади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

5. Жамғарманинг маблағларидан қуйидагилар учун фойдаланилади:

а) ўрмон хўжалигини, ўрмон-овчилик хўжалигини, ўрмон фонди ерларидаги қўриқхоналар ва бошқа муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

б) ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсига етказилган зарарни бартараф этиш ва унинг олдини олиш, ёввойи ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари ҳисобини олиш бориш, уларнинг давлат кадастрини юритиш учун маълумотлар тўплаш ҳамда фойдаланиш миқдорини аниқлаш тадбирларини амалга ошириш;

в) Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати ва унинг тизимидаги давлат ўрмон хўжаликлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шу жумладан:

ўрмонларни муҳофаза қилиш учун техника ва технологиялар, экологик мониторинг тизимлари, асбоб-ускуналар ва компьютер дастурларини сотиб олиш;

ўрмон муҳофазаси ва инспекцияси автомобилларига техник хизмат кўрса-

тиш, улар учун эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари, алоқа воситаларини сотиб олиш;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоят ўрмон хўжалиги бошқармалари ходимларини белгиланган намунадаги кийим-бош, рақамли жетон, дурбин ва транспорт билан таъминлаш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомаси бланкалари, баённомаларни рўйхатга олиш китоби ва хизматга оид зарур инвентарлар билан таъминлаш;

г) табиий питомниклар, шу жумладан давлат қўриқхоналарининг қўриқланадиган (буфер) зоналарида ҳам ташкил этиш, ўрмон фонди ерларидаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларида уларнинг режимига мувофиқ питомниклар ва серпентарийлар барпо этиш;

д) Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати ходимларининг лавозим маошларига ойлик устама (мукофот, моддий ёрдам, транспорт, овқат пули, меҳнат стажи учун тўлов) белгилаш орқали моддий рағбатлантириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоят ўрмон хўжалиги бошқармалари ходимларини сақлаш ва моддий рағбатлантириш харажатларини қоплашга йўналтириш;

е) ходимларга амалда ишлаган вақт учун лавозим маошларига (вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаларида қайд этилган кунлар ва меҳнат таътили кунлари бундан мустасно) ҳар ойда бир лавозим маоши миқдоригача белгиланган устамалар тўлаш;

ж) рухсатномалар бланкаларини тайёрлаш;

з) ўрмон хўжалиги учун объектларни қуриш, техникавий қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;

и) ўрмон барпо этиш ва лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш;

к) ўрмон фонди ерларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг зараркундалари ва касалликларига қарши курашиш учун препаратлар сотиб олиш ва қўшимча тадбирларни амалга ошириш;

л) ўрмон маҳсулотларини қайта ишлаш учун мини-цеҳларни ташкил этиш, асаричилик, паррандачилик, чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш, шунингдек қўшма корхоналар очишда таъсисчи бўлиб кириш;

м) ўрмон, овчилик хўжалиги, ўрмон фонди ерларидаги муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг алоҳида ўртак кўрсатган ходимларини ходим ойлик иш ҳақининг икки баробаридан кўп бўлмаган миқдорда моддий рағбатлантириш;

н) ўрмон фонди ерларида (давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари, биорезерват, овчилик хўжаликлари инспекторлари ва егерлари томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликлардан ташқари) ҳайвонот ва ўсимлик дунёси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлаган шахсларга уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш жойи, телефон рақами кўрсатилган, паспортининг нусхаси, банк ҳисоб рақами илова қилинган мурожаати асосида қуйидаги миқдорларда мукофотлар тўлаш:

ўсимлик дунёсига етказилган зарарни қоплаш бўйича ундирилган сумманинг 10 фоизи миқдорда;

хайвонот дунёсига етказилган зарарни қоплаш бўйича ундирилган сум-манинг 30 фоизи миқдорида;

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимликлар дунёси объектлари турларига етказилган зарарни қоплаш бўйича ундирилган сум-манинг 5 фоизи миқдорида;

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган хайвонот дунёси объектлари турларига етказилган зарарни қоплаш бўйича ундирилган сум-манинг 20 фоизи миқдорида;

о) тармоққа оид илмий ишлар, инновация лойиҳалари ва илғор техно-логияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ихтиролар, илмий ишлар яратишни рағбатлантириш, тармоқ масалаларига оид методик кўрсатмалар ва мақола-ларни нашр этишга, илмий-амалий конференцияларни ташкил этиш ва ўтқа-зиш;

п) ўрмон хўжалиги, ўрмон-овчилик хўжалиги, ўрмон фонди ерларидаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар кадрларини қайта тайёрлаш, улар-нинг малакасини ошириш, шу жумладан хорижий таълим муассасаларида стажировкаларини ташкил қилиш;

р) ўрмон хўжалиги, ўрмон-овчилик хўжалигини, ўрмон фонди ҳудуди-даги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш бўйича халқ-аро кўргазмалар, лойиҳалар ва дастурларда қатнашиш;

с) хорижий ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисла-рини Ўзбекистон Республикасида бўлиши даврида қабул қилиш ва кузатиш ҳамда конференциялар ташкил этиш ва ўтказиш.

Табиий ҳолда ўсувчи ўсимликларни териш, йиғиш учун аризаларни кўриб чиққанлик ва руҳсатномалар берганлик учун ундириладиган маблағларнинг 40 фоизи «Шифобахш» доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш марказининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

6. Жамғарма маблағларидан қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа мақсадларда фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан фойдаланилиши мумкин.

7. Буюртманомаларни кўриб чиқиш, келиб тушиши кутилаётган молия-вий маблағлар ҳисоби ҳақидаги маълумотларни ўрганиб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун 7 нафар аъзодан иборат Жамғарма кенгаши тузи-лади. Жамғарма кенгашининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан шакллантирилади ҳамда қўми-та раиси томонидан тасдиқланади.

8. Жамғарма буюртманомаларини қабул қилиш, умумлаштириш, Жам-ғарма кенгашига тақдим этиш, кенгашнинг қарорига асосан даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳасини тузиш — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Иқтисодий таҳлил, прогнозлаштириш, мо-лиялаштириш ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағла-рини бошқариш бошқармаси томонидан, Жамғарма маблағларидан мақсад-ли фойдаланилиши юзасидан доимий мониторинг олиб бориш — Ўзбекис-тон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси томонидан амалга оширилади.

9. Жамғарма кенгаши:

ушбу Низомда назарда тутилган мақсадлар учун маблағлар ажратилиши юзасидан буюртманомаларни кўриб чиқади;

қабул қилинган буюртманомалар орасидан энг долзарблари ва асосланганларини танлаб олади, умумлаштиради ва маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади;

ажратилган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда молиялаштиришни тўхтатади ва ажратилган маблағларни ундириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг бухгалтерия ҳисоби бўлимига топшириқ беради;

маблағларни олувчилардан маблағлардан фойдаланилиши ва бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади;

ўз фаолиятининг бошқа масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

10. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси томонидан тасдиқланадиган даромадлар ва харажатлар сметаси бўйича амалга оширилади. Даромадлар ва харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

11. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси келгуси йилда молиявий маблағлар келиб тушишининг кутилаётган прогнози ва тадбирларни ўтказиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлаган шахснинг мурожаати Жамғарма кенгаши томонидан ўрганиб чиқилади ва пул мукофоти ажратиш тўғрисида тавсия берилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, ўрмон хўжалиги, овчилик хўжалиги, ўрмон фонди ерларидаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар маблағ ажратишни даромадлар ва харажатлар сметасига киритиш учун буюртманома тақдим этадилар.

Буюртманомада тадбирлар, уларни амалга ошириш заруриятининг асослари, зарур маблағлар миқдори, шунингдек уларни бажариш учун бошқа маблағларнинг йўқлиги кўрсатилади.

Буюртманомалар келгуси молия йили учун жорий йилнинг 1 июнигача Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига тақдим этилади.

Буюртманома ёзма ёки электрон шаклда тақдим этилади.

Буюртманомада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

ташкilotнинг тўлиқ номи ва аниқ манзили ҳамда банк реквизитлари; тадбир (лойиҳа) номи;

лойиҳани амалга ошириш заруратининг асослари, мавжуд муаммолар ва уларни (тўлиқ ёки қисман ва белгиланган муддатларда) ҳал қилиш имконияти, талаб этиладиган маблағ миқдори, маблағдан фойдаланиш мақсади, лойиҳани амалга оширишга маблағнинг йўқлиги, шунингдек кутилаётган натижалари кўрсатилган тушунтириш хати;

сўралаётган маблағларнинг ҳисоб-китоби (лойиҳани амалга ошириш учун

сарф этиладиган маблағ калькуляцияси ёки лойиҳани амалга ошириш сметаси).

Зарурат бўлганда буюртманомага уни асословчи тегишли ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

Жумладан:

лойиҳанинг қисқача мазмуни, мақсади, унинг иқтисодий, экологик аҳамияти, кутилаётган натижа, амалга ошириладиган манзил (3-4-бет);

лойиҳа иш тури (илмий, тавсиявий, амалий-ишлаб чиқариш);

лойиҳани амалга ошириш муддати (йил, ой, кун);

лойиҳани амалга ошириш календарь иш режаси;

лойиҳани амалга ошириш техник вазифалари;

лойиҳани амалга оширувчи ташкилот номи, юридик мақоми ва бошқа реквизитлари (жойлашган жойи, почта манзили ва бошқалар);

лойиҳа гуруҳ томонидан амалга оширилса — гуруҳ раҳбари Ф.И.О. ва у ҳақда маълумотлар (туғилган йили, лавозими, илмий даражаси, яшаш манзили ва бошқалар), ижрочи гуруҳ аъзолари рўйхати;

лойиҳанинг амалга оширилишида бошқа ташкилотлар қатнашса, унинг номи, манзили, мазкур лойиҳа учун ўзаро алоқалар ҳақида қисқача маълумот, уларнинг йўлланма ёки хулосалари;

давлат ўрмон фонди ҳудудида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида далолатнома ёки баённома нусхаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига етказилган зарарни қоплаш суммаси бўйича тўловни ундирилганлигини тасдиқловчи тўлов хабарномаси (квитанция) нусхаси ёки бош бухгалтер маълумоти.

13. Такдим этилган буюртма ҳар йили 1 июлгача бўлган муддатда Жамғарма кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва маблағлардан фойдаланишнинг устувор йўналишлари белгиланади ҳамда унинг асосида маблағлар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

14. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Жамғарма маблағларининг тасдиқланган сметага мувофиқ тасарруф этувчиси ҳисобланади.

15. Жамғарманинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг вазначилик шахсий ҳисоб рақамида сақланади.

4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши юзасидан ҳисобот, назорат ва жавобгарлик

16. Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси, бош бухгалтери — бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши, Жамғармага маблағлар тушиши ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва такдим этиш юзасидан жавоб беради.

Жамғармани шакллантириш учун зурур бўлган маблағларни ўтган ой

учун кейинги ойнинг 1-санасидан кечикмасдан жамғармага ўтказилиши ва бу тўғрида 5-санасигача Қўмитага ҳисоботлар тақдим қилиниши учун тизим бошқармалари ва хўжаликлари раҳбарлари масъул ҳисобланади.

18. Ўрмон хўжаликлари, овчилик хўжаликлари, юридик шахс мақомига эга бўлган муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар Жамғарма маблағларининг бошқа олувчилари олинган маблағлардан фойдаланганлик ва бажарилган ишлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига ҳисобот тақдим этадилар.

19. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг бош бухгалтери — Жамғарма маблағларини олувчилардан маблағлардан фойдаланилиши ва бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни кенгаш эшитувидан сўнг қабул қилади ва умумлаштиради.

Жамғарма даромадлари ва харажатлари тўғрисида ҳар чоракда, ҳисобот даври тугагандан сўнг 25 кундан кечиктирмай, йиллик ҳисоботларни эса — ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 февралидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

5-боб. Яқунловчи қоида

20. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарорига
7-ИЛОВА

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар бошқармалари ва давлат ўрмон хўжаликлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Қуйидагилар:

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида бажарилган ишлар учун кунлик тариф ставкалари бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш 1-иловага;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимининг барча тармоқларида яго-

на бўлган ишлаб чиқариш ташкилотлари хизматлари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган лавозим маошлари 2-иловага;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги республика ташкилотлари (Давлат қўриқхоналари, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси, «Шифобахш» доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази, Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилиги таҳлил маркази, «Ўрмонлойиҳа» давлат унитар корхонаси, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти), Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоят ўрмон хўжалиги бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш 3-иловага;

Давлат ўрмон хўжаликлари, давлат овчилик хўжаликлари, давлат қўриқхоналари, давлат биосфера қўриқхоналари, давлат биорезерватлари, миллий табиат боғлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш 4-иловага;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида вақтбай шаклда ишловчи айрим касбдаги ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш 5-иловага;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги ташкилотларда ҳайдовчилар меҳнатига ҳақ тўлаш меъёрлари 6-иловага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтиришни моддий рағбатлантириш тадбирларини амалга ошириш

3. Ўрмонлардан самарали фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги ходимларнинг иш фаолияти самарадорлигини ва моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтирганлик учун Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимидаги кирувчи ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар бошқармалари ва давлат ўрмон хўжаликлари ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирлари амалга оширилади.

4. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтиришни моддий рағбатлантириш мақсадида ходимларнинг ойлик маошига қўшимча тарзда:

ходимнинг соҳадаги умумий иш стажининг давомийлиги учун қатъий белгиланган лавозим маошига устама;

ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ижросини назорат қилиш ва ўрмон муҳофазасини таъминлаш юзасидан ўрмон инспекторларини хизмат вазифаларига кўра доимий яшаш жойидан бошқа жойда бўлганлиги учун ойлик маошига қўшимча компенсация тўлови;

баланд тоғли шароитда ишлаётган ходимларга денгиз сатҳидан баландлик даражасига қараб иш ҳақиға қўшимча коэффициентларда белгиланган тўлов;

ойлик, чораклик, йил якуни бўйича ҳамда байрам кунлари учун ўрмон

хўжалиги даромадлари ёки ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мукофотлар;

давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ойлик лавозим маошларга 20 фоиз устама;

ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва улар соғлигини тиклаш учун моддий ёрдам;

ходимларнинг ҳаётини суғурта қилиш ёки бошқа турдаги тўловлар белгиланади.

3-боб. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизими ходимларини рағбатлантириш миқдори ва шартлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари асосида лавозимга тайинланган мансабдор шахсларнинг умумий иш стажи, ўрмон хўжалиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда атроф муҳитни шу жумладан ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тизимларида фаолият юритган ходимларнинг соҳадаги умумий иш стажи учун қатъий белгиланган лавозим маошига қўшимча устама ҳар ойда тариф сеткаси ва штат жадвалига мувофиқ ҳолда қуйидаги миқдорда тўланади:

- 1 — 3 йилгача — 10 фоиз;
- 3 — 5 йилгача — 20 фоиз;
- 5 — 8 йилгача — 30 фоиз;
- 8 — 10 йилгача — 40 фоиз;
- 10 — 15 йилгача — 50 фоиз;
- 15 — 20 йилгача — 60 фоиз;
- 20 — 25 йилгача — 70 фоиз;
- 25 йилдан ортиқ — 80 фоиз.

6. Ходимларнинг баланд тоғли шароитда ишлаганлиги учун денгиз сатҳидан баландлик даражасига қараб иш ҳақига қуйидаги миқдорларда коэффициентлар белгиланади:

- 1500 — 1700 метргача — 1,1;
- 1701 — 2000 метргача — 1,15;
- 2001 — 3000 метргача — 1,3;
- 3001 метрдан юқори — 1,4.

7. Иш кўрсаткичларини бажарилишига қараб ой ва чорак якуни бўйича ходимлар ойлик иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда, йил якуни бўйича ходимлар ойлик иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда мукофотлар берилади.

8. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни, Конституцияси куни, Наврўз, Янги йил ва Ҳайит байрамлари учун ходимлар ойлик иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда рағбатлантирилади.

9. Ходим хизмат бурчини бажариш вақтида шикастланганда, жароҳат олган ёки майиб бўлган тақдирда — ходимга, шунингдек ўрмонларда ёнгини ўчиришда ва хизматни бошқа турларини амалга оширишда қатнашиш жараёнида ҳалок бўлган ҳолларда унинг оиласига қонун ҳужжатларига му-

вофиқ йиллик ўртача иш ҳақининг камида олти баравари миқдорида бир йўла бериладиган тўловлар ва моддий ёрдам белгиланади.

10. Ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва улар иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда (жамоа шартномасига мувофиқ) йўл транспортга энг кам иш ҳақининг бир бараваригача ҳамда ходимлар тушлик овқатланиш харажатларига қўмаклашиш мақсадида энг кам иш ҳақининг икки бараваригача тўловлар амалга оширилади.

11. Зарур ҳолларда, иш ҳақи фонди доирасида (кам таъминланган оилалар, ходимнинг даволанишига, тўй, маърака ва бошқалар) ходимларга касабача уюшмаси билан келишган ҳолда моддий ёрдам пули тўланади.

12. Ходимларни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун йилда бир марта энг кам иш ҳақининг 10 бараваригача миқдорда тўлов ҳамда ташкилотлар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан келиб чиққан ҳолда ўрмон назоратчилари ва егерлари ўз яшаш жойларидан хизмат сафарига чиққан ҳолда уларга олиб юриладиган қуруқ озиқ-овқат берилади ёки ҳар ой энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида пул маблағи тўланади

4-боб. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизими ходимларини рағбатлантиришни молиялаштириш

13. Қуйидагилар Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимидаги ходимларни рағбатлантиришнинг молиявий манбалари ҳисобланади:

Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимига кирувчи ташкилотларни ривожлантириш жамғармалари маблағлари (Ўрмон фонди ерларидан қўшимча фойдаланиш, ўрмон маҳсулотларидан фойдаланиш, ов, экотуризм, муҳофаза этиладиган ҳудудларга кириш, маданий-маърифий ва рекреация тадбирларни ўтказиш, вақтинча фойдаланилмаган мол-мулкни ижарага беришдан, беғараз олинган ёрдамлардан ва қонунда тақиқланмаган бошқа тушумлар);

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

14. Молиялаштириш миқдори ва манбалари Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган даромадлар ва харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

5-боб. Яқунловчи қоида

15. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

**Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида бажарилган
ишлар учун кунлик тариф ставкалари бўйича
МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ**

Ўртача ойлик иш соати 168-42

ЯМХ бўйича тоифалар	1	2	3	4	5	6
Тариф коэффиценти	2,476	2,73	2,998	3,297	3,612	3,941
1. Тракторчилар-машинистлар						
<i>A Ишбайчилар учун (сўм. т.)</i>	20257,42	22335,52	24528,17	26974,44	29551,62	32243,33
<i>B Вақтбайчилар учун (сўм. т.)</i>	18900,17	20839,04	22884,78	25167,15	27571,66	30083,03
2. От улов ва қўлда бажариладиган ўрмончилик ва бошқа ишларда						
<i>A Ишбайчилар учун</i>	18776,60	20702,80	22735,16	25002,61	27391,39	29886,35
<i>B Вақтбайчилар учун</i>	17615,85	19422,97	21329,70	23456,97	25698,09	28038,80
3. Ўрмонзорларни сақлаш, янги ўрмонлар, питомниклар ва кўчатхоналар барпо қилиш						
<i>A Ишбайчилар учун</i>	23836,91	26282,21	28862,30	31740,82	34773,39	37940,73
<i>B Вақтбайчилар учун</i>	22317,60	24607,05	27022,68	29717,74	32557,02	35522,48
4. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш цехларида						
<i>A Ишбайчилар учун</i>	19083,10	21040,73	23106,27	25410,73	27838,51	30374,19
<i>B Вақтбайчилар учун</i>	17860,97	19693,23	21626,49	23783,36	26055,66	28428,95
5. Ўрмон қурилиш ишларида						
<i>A Ишбайчилар учун</i>	21630,87	23849,87	26191,18	28803,31	31555,22	34429,43
<i>B Вақтбайчилар учун</i>	20247,29	22324,36	24515,90	26960,95	29536,84	32227,21

Изоҳ: энг кам ойлик иш ҳақи, тариф коэффиценти ва ўртача ойлик иш ҳақи ўзгарган тақдирда мазкур кунлик тариф ставкалари қайта ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 апрелдаги 210-сон қарорига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашда ҳудудий (район) коэффицентлари белгиланган ҳудудларда район коэффиценти қўлланилган ҳолда ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри ўрмон хўжалиги тизими ташкилотлари ҳудудий коэффиценти — 10 фоиз;

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Қўнғирот шаҳарлари, Қораузак, Кегейли, Қонликўл, Тахтакўпир, Чимбой, Шуманай, Эллиқалъа, Беруний, Тўрткўл туманлари ҳамда Навоий вилоятининг Навоий шаҳри ва Навоий тумани ўрмон хўжалиги тизими ташкилотлари ҳудудий коэффиценти — 20 фоиз;

Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманидаги ўрмон хўжалиги тизими ташкилотлари ҳудудий коэффиценти — 15 фоиз;

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Бўзатов ва Қўнғирот ту-

манлари, Навоий вилоятининг Конимех, Нурота, Хатирчи, Навбахор ва Қизилтепа туманлари ўрмон хўжалиги тизими ташкилотларида ҳудудий коэффициентлари — 30 фоиз;

Навоий вилоятининг Томди ва Учқудук, Бухоро вилоятининг Қоровул-бозор туманлари ўрмон хўжаликлари тизими ташкилотлари ҳудудий коэффициентлари — 50 фоиз;

Навоий вилоятининг Зарафшон ва Учқудук шаҳарлари ҳудуди ўрмон хўжаликлари тизими ташкилотлари ҳудудий коэффициентлари — 60 фоиз.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

**Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимининг барча ишлаб чиқариш ташкилотларида ягона бўлган лавозимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ягона тариф сеткаси бўйича
КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ**

Т/р	Лавозимлар номи	Разрядлар	Тариф коэффициентлари
1.	Хўжалик мудирлари	5	3,612
		6	3,941
		7	4,284
2.	Кассир	5	3,612
3.	Архивариус, иш юритувчи, кутубхоначи, котиба, таъминотчи, омборчи	4	2,998

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимидаги кирувчи ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомга
3-ИЛОВА

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги республика ташкилотлари (Давлат қўриқхоналари, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси, «Шифобахш» доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази, Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилиги таҳлил маркази, «Ўрмонлойиҳа» давлат унитар корхонаси, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти), Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоят ўрмон хўжалиги бошқармалари ходимлари
МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлаш гуруҳлари бўйича ставкалари миқдори							
		Гуруҳдан ташқари*		I гуруҳ**		II гуруҳ***		III гуруҳ****	
		разряд-лар	тариф коэффициентлари	разряд-лар	тариф коэффициентлари	разряд-лар	тариф коэффициентлари	разряд-лар	тариф коэффициентлари
1.	Раис (раҳбар)	15	7,292	14	6,893	13	6,503	12	6,115
2.	Раис (раҳбар) ўринбосари	14	6,893	13	6,503	12	6,115	11	5,733
3.	Бош ўрмонбеги, бош бухгалтер, бош инспектор, бош муҳандис, бош уруғчи	13	6,503	12	6,115	11	5,733	10	5,362
4.	Бош юристконсулт	12	6,115	11	5,733	10	5,362	9	4,997
5.	Бўлим бошлиғи, тажриба станция бошлиғи, лаборатория бошлиғи, илмий котиб, шўъба мудир, гуруҳ раҳбари, ўрмон назоратчиси	11	5,733	11	5,733	10	5,362	9	4,997
6.	Бош мутахассис (муҳандис)	10	5,362	10	5,362	9	4,997	8	4,64
7.	Етакчи мутахассис (муҳандис)	9	4,997	9	4,997	8	4,64	7	4,284
8.	1-тоифали мутахассис	8	4,64	8	4,64	7	4,284	6	3,941
9.	2-тоифали мутахассис	7	4,284	7	4,284	6	3,941	5	3,612
10.	Раис (раҳбар) котиби	5	3,612	5	3,612	5	3,612	4	3,297

* Тошкент шаҳри.

** Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари.

*** Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари.

**** Жиззах, Сирдарё вилоятлари.

Изоҳ:

тариф разрядлари Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорининг 10-илловасига, тариф коэффициентлари Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарорига, худудларнинг гуруҳларга ажратилиши Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 17 июндаги 301-сон қарорининг 4-илловасига мувофиқ белгиланган.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи
ташкilotлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий
рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомга
4-ИЛОВА

**Давлат ўрмон хўжаликлари, давлат овчилик хўжаликлари, давлат қўриқхоналари, давлат биосфера
қўриқхоналари, давлат биорезерватлари, миллий табиат боғлари ходимлари
МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ**

Т/р	Лавозимлар номи	I гуруҳ**		II гуруҳ***		III гуруҳ****	
		разрядлар	тариф коэффи- циентлари	разрядлар	тариф коэффи- циентлари	разрядлар	тариф коэффи- циентлари
1.	Раҳбар (директор)	13	6,503	12	6,115	11	5,733
2.	Раҳбар (директор) ўринбосари, Бош бухгалтер, бош ўрмон-беги, бош овшунос, бош муҳандис	12	6,115	11	5,733	10	5,362
3.	Бош юристконсульт	11	5,733	10	5,362	9	4,997
4.	Ўрмонбеги, мустақил участка бошлиғи	11	5,733	10	5,362	9	4,997
5.	Ўрмонбеги ёрдамчиси, ўрмон питомниги бошлиғи, бош инспектор (нозир)	10	5,362	9	4,997	9	4,997
6.	Бош мутахассис	9	4,997	8	4,64	7	4,284
7.	Етакчи мутахассис	8	4,64	7	4,284	7	4,284
8.	Мутахассис, муҳандис	7	4,284	6	3,941	5	3,612
9.	Ўрмон устаси, катта инспектор (нозир)	7	4,284	6	3,941	5	3,612
10.	Техник	5	3,612	5	3,612	5	3,612
11.	Инспектор (нозир), тезкор инспектор (нозир)	5	3,612	5	3,612	5	3,612

Изоҳ:

тариф разрядлари Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорининг 10-иловасига, тариф коэффициентлари Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарорига, ҳудудларнинг гуруҳларга ажратилиши Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 17 июндаги 301-сон қарорининг 4-иловасига мувофиқ белгиланган.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомга 5-ИЛОВА

**Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида вақтбай
шаклда ишловчи айрим касбдаги ишчилар
МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ**

Т/р	Лавозимлар номи	Разрядлар	Тариф коэффициентлари
1.	Лаборант	4	3,297
		5	3,612
2.	Лаборант (олий маълумотли)	6	3,941
3.	Катта егерь	6	3,941
4.	Егерь	4	3,297
		5	3,612
5.	Ўрмончи	4	3,297
6.	Омборчи	4	3,297
7.	Юк ташувчи	3	2,998
8.	Боғбон	3	2,998
9.	Ишлаб чиқариш хоналари фарроши, ҳудуд фарроши	2	2,725
10.	Хизмат хоналари фарроши	1	2,476
11.	Қоровул	1	2,476

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомга 6-ИЛОВА

**Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги ташкилотларда
ҳайдовчилар меҳнатига ҳақ тўлаш
МЕЪЁРЛАРИ**

1. Енгил автомобиль (шу жумладан махсус)

Т/р	Автомобиль классификацияси	Двигателнинг иш ҳажми (литр)	Разрядлар	Тариф коэффициентлари
1.	Жуда кичик ва кичик	1,8 гача	1	2,476
2.	Ўрта	1,8 дан 3,5 гача	2	2,725
3.	Катта	3,5 дан юқори	3	2,998

Т/р	Автомобиль классси	Двигателнинг иш ҳажми (литр)	Разрядлар	Тариф коэф-фициентлари
-----	--------------------	------------------------------	-----------	------------------------

2. Автобуслар (шу жумладан махсус)

Т/р	Автомобиль классси	Автобус узунлиги (метр)	Разрядлар	Тариф коэф-фициентлари
1.	Жуда кичик	5 гача	1	2,476
2.	Кичик	5 дан 6,5 гача	2	2,725
		6,5 дан 7,5 гача	3	2,998
3.	Ўрта	7,5 дан 9,5 гача	4	3,297
4.	Катта	9,5 дан 11 гача	5	3,612
		11 дан 15 гача	6	3,941
		15 дан юқори	7	4,284

3. Юк автомобиллари

Т/р	Автомобилларнинг юк кўтариш қобилияти (тонна)	Разрядлар	Тариф коэф-фициентлари
1.	1,5 гача	1	2,476
2.	1,5 дан 5 гача	2	2,725
3.	5 дан 10 гача	3	2,998
4.	10 дан 40 гача	4	3,297
5.	40 дан 60 гача	5	3,612
6.	60 дан юқори	6	3,941

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарорига
8-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби тўғрисида» 1992 йил 9 мартдаги 109-сон қарорининг 1-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонлар ва ўсимликларнинг Қизил китоби — «Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби»ни юритиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юклатилсин.».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ўрмонларини ҳимоя қилиш бўйича айрим меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 22 ноябрдаги 506-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 йил, 11-сон, 68-модда):

а) 2-банддаги «Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси ўрмонларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилиши устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Давлат ёнғин назорати органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ўз тасарруфида бўлган давлат ўрмон фонди ҳудудида Қоидаларнинг бажарилиши устидан идоравий назоратни амалга оширади.»;

6-банднинг «в» кичик банди биринчи хатбошидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш натижасида ўрмон хўжалигига етказилган зарарни ундириш миқдорини ҳисоблаб чиқариш ва ёнғин пайдо бўлишининг турли сабаблари ва дарахтлар ҳамда бошқа ўсимликларнинг зарарланиш даражасига кўра, дарахтлар қуриши ёки ёғоч нобуд бўлишига оид даъво суммаларининг ҳисоб-китоби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ белгиланади.».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 июндаги 215-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 йил, 6-сон, 28-модда) билан тасдиқланган Ўрмонларнинг қўриқлаш тоифаларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

2-бандда:

биринчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларига» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасига, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларига ва Андижон, Сирдарё ва Хоразм давлат ўрмон хўжаликларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг олтинчи хатбошидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси» ва «Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси» сўзлари тегишлича «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси» ва «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг учинчи хатбошидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлаш ва уларни бир

тоифадан бошқасига ўтказиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органлари томонидан тайёрланади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор органлар билан келишиб олинади.

Ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлаш ва уларни бир тоифадан бошқасига ўтказиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилади.

Таклифга ўрмонлар қўриқланишининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш тўғрисидаги илмий-техникавий ва иқтисодий асослашлар, картографик, ҳисобга олиш ҳамда бошқа зарур материаллар ва хужжатлар илова қилинади.».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикаси ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 5 сентябрдаги 343-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси 2000 йил, ҚТ, 9-сон, 57-модда):

а) 1-илованинг 19-банди иккинчи хатбошидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 18-банди учинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 17 январдаги 32-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси, 2001 йил, ҚТ, 1-сон, 2-модда) 7-банди иккинчи хатбошидаги «ва Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи лавозимига кўра вазир ўринбосарлари ҳисобланадилар» сўзлари «лавозимига кўра вазир ўринбосари ҳисобланади» сўзларига алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Сув хўжалиги департаменти, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бош давлат инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 30 мартдаги 160-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 20-модда):

а) 1-банднинг тўртинчи хатбошидан «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 апрелдаги 163-сон қарори би-

лан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ўрмонларнинг қўриқланиш тоифалари бўйича бўлиниши рўйхатининг рус тилидаги матнида:

а) I-бўлим номидаги ва I-банддаги «Леса, находящиеся в ведении Министерства сельского и водного хозяйства 1. Леса, закрепленные за Главным управлением лесного хозяйства» сўзлари «Леса, находящиеся в ведении Государственного комитета Республики Узбекистан по лесному хозяйству» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «Леса, закрепленные за научно-исследовательским институтом УзНПЦ сельского хозяйства» сўзлари «Леса, закрепленные за Научно-исследовательским институтом лесного хозяйства при Государственном комитете Республики Узбекистан по лесному хозяйству» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «Леса, закрепленные за ирригационными лесхозами» сўзлари «Леса, закрепленные за Государственному комитету Республики Узбекистан по лесному хозяйству» сўзлари билан алмаштирилсин;

II-бўлим номидаги «Леса, находящиеся в ведении хокимията Ташкентской области» сўзлари «Леса, закрепленные за Государственному комитету Республики Узбекистан по лесному хозяйству» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 51-модда):

а) 2-иловининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 5-иловининг 4-бандидаги «қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги» сўзлари «қишлоқ ва сув хўжалиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-бандда:

ўн биринчи хатбошидаги «қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалигида» сўзлари «қишлоқ ва сув хўжалигида» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи хатбошидаги «қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги» сўзлари «қишлоқ ва сув хўжалиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 7-бандда:

иккинчи, олтинчи, йигирма еттинчи ва йигирма саккизинчи хатбошидаги «қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги» сўзлари «қишлоқ ва сув хўжалиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалигини» сўзлари «қишлоқ ва сув хўжалигини» деган сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалигига» сўзлари «қишлоқ ва сув хўжалигига» деган сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма бешинчи ва йигирма олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

д) 9-банднинг учинчи хатбошидаги «ер, сув ва ўрмон ресурсларидан» сўзлари «ер ва сув ресурсларидан» деган сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 18-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари,

геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси ҳузуридаги давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги, Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги, Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 12-модда):

3-иловада:

а) 8-банднинг бешинчи хатбошидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси» сўзларига алмаштирилсин;

б) илованинг «Давлат кадастрлари» устунидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 15 ноябрдаги 250-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 60-модда):

а) 1-илованинг 5-бандидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси (кейинги ўринларда Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси деб юритилади)» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Давлат ўрмон кадастрини юритиш Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг Давлат ўрмон кадастри бўлими ва ушбу кўмитанинг ҳудудий бўлинмалари (ўрмон хўжаликлари) томонидан амалга оширилади.

Давлат ўрмон кадастрини юритиш ишларига умумий раҳбарлик Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси раисининг ўринбосари томонидан амалга оширилади.

Давлат ўрмон кадастрини юритишни методик таъминлаш Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси томонидан амалга оширилади.»;

17-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг» сўзлари Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банддаги, 23-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 25-банддаги «Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрмон қўриқчилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2008 йил 9 сентябрдаги 203-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 9-сон, 50-модда):

а) 3-бандидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Иловада:

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ўрмон қўриқчилигига умумий раҳбарлик қилиш Қорақалпоғистон

Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари, ўрмон хўжаликлари ва тизимнинг бошқа ташкилот ва корхоналари орқали Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади»;

6-банднинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари — раҳбар (раис, бошлик), бош ўрмончи, ўрмон назоратчиси, ўрмон кадастри мутахассиси, ўрмон хўжалиги муҳандиси, ўрмонларни муҳофаза қилиш муҳандиси масалалари билан шуғулланадиган барча тоифалардаги мутахассислар;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппаратида — раис, раиснинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари, бошқармалар ва бўлимлар бошлиқлари, бошқарма бошлиқлари ўринбосарлари, бош мутахассислар, етакчи мутахассислар);

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги республика ташкилотларида — бошлиқлар, бошлиқларнинг ўринбосарлари, бўлимлар бошлиқлари, бўлимлар бошлиқлари ўринбосарлари, барча тоифалардаги мутахассислар (бош мутахассислар, етакчи мутахассислар).»;

21-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўрмон қўриқчилиги ходимлари белгиланган намунадаги формали кийим-бош кийиб юрадилар. Ўрмон қўриқчилари, инспекторлари, егерлар, давлат қўриқхоналари, миллий табиат боғлари, биорезерват ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар инспекторлари учун мўлжалланган хизмат куроли, унинг ўқ-дорилари ва махсус воситалар турлари, типлари (моделлари), сони, шунингдек олиш, сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан белгиланади.».

1-иловада:

3-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва вилоятлар бошқармалари» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари, Андижон, Сирдарё ва Хоразм давлат ўрмон хўжаликлари» сўзларига алмаштирилсин;

4-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари, Андижон, Сирдарё ва Хоразм давлат ўрмон хўжалиқларининг ўрмон қўриқчилиги ходимлари, шунингдек республика ташкилотлари ходимлари учун ёзги кийим қўйлак ва шимдан иборат, ип газламадан тикилган, оч хаво ранг бўлади. Қўйлаги икки чўнтакли, ёқаси қайтарма бўлиб, белги-

ланган намунадаги петлицалар тикилади. Енглари икки чокли, тўғри тикилган бўлади.».

2-иловада:

1 — 8-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси;

2. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси раиси;

3. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси бошқарма бошлиқлари, вилоятлар Ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиқлари;

4. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати бошқарма бошлиқлари ўринбосарлари, тизим республика ташкилот раҳбарлари;

5. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати бўлим бошлиқлари, тизим республика ташкилот раҳбари ўринбосари, республика корхоналари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси раиси ўринбосари — бош ўрмончи ва вилоятлар Ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиқ ўринбосарлари — бош ўрмончилар;

6. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати бош мутахассислари, тизим республика корхоналари раҳбар ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоятлар Ўрмон хўжалиги бошқармалари бўлим бошлиқлари;

7. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати етакчи мутахассислари, тизим республика корхоналари бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоятлар Ўрмон хўжалиги бошқармалари бош мутахассислари, ўрмон хўжаликлари, қўриқхоналар, миллий боғ, овчилик, биорезерват раҳбарлари, ўрмон назоратчилари ва ўрмон кадастри мутахассислари;

8. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати мутахассислари, тизим республика корхоналари мутахассислари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоятлар Ўрмон хўжалиги бошқармалари етакчи мутахассислари, ўрмон хўжаликлари бош ўрмонбегилари, қўриқхоналар, миллий боғ, овчилик хўжаликлар, биорезерват бош нозирлари».

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузурида Қуйи Амударё давлат биосфера резервати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 26 августдаги 243-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2011 й., 34-35-сон, 351-модда):

а) номидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжали-

ги бош бошқармасига» сўзларини «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловада:

11-банддаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг биринчи хатбошидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси (кейинги ўринларда Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси деб аталади)» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банддаги, 32, 44, 56-банднинг тўққизинчи хатбошидаги «Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банднинг саккизинчи ва тўққизинчи хатбошидаги «Ўрмон хўжалиги бошқармаси» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти доирасидаги рухсат тусидаги ҳужжатлар рўйхатининг рус тилидаги матнида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2013 йил 8-сон, 55-модда):

а) 135-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

135.	Разрешение на специальное пользование объектами растительного мира	Специальное пользование объектами растительного мира	Государственный комитет Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды, Государственный комитет Республики Узбекистан по лесному хозяйству, хокимият района (города)
------	--	--	---

»;

б) 143-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

143.	Разрешение на предоставление участка государственного лесного фонда для размещения ульев и пчелосемей	Предоставление участка государственного лесного фонда для размещения ульев и пчелосемей	Государственный комитет Республики Узбекистан по лесному хозяйству
------	---	---	--

».

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида» 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 43-сон, 530-модда):

а) 1-иловада:

18-банднинг еттинчи хатбоши, 30 ва 36-бандларнинг биринчи хатбоши-ларидидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Рес-

публикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

42-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Рухсатнома берганлик учун йиғим суммаси «Биоинспекция»нинг махсус ҳисоб рақамига ёки Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг ғазначилик шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади.»;

70-бандда «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси» сўзи «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси» сўзларига алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

80-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«80. Овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи овдан фойдаланувчиларга ваколатли органлар:

тасарруфида бўлган ўрмон фонди ерларида, табиатни муҳофаза қилиш органларига ахборот тақдим этилган ҳолда — Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан»;

82-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«82. Намунавий шартнома шакли ов ҳудудларида овчилик хўжаликларини юритиш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан ишлаб чиқилади ва Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.»;

1-иловада:

Умуртқасиз жониворлар рўйхатига изоҳларнинг олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўрмон, қишлоқ ва овчилик хўжаликлари зараркунандалари, инсон ва ҳайвонлар касалликларини тарқатувчилар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Республика овчилар ва балиқчилар жамияти билан келишилган ҳолда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.»;

в) 4-иловада:

2-банддаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси» сўзлари «Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг ғазначилик шахсий» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тасарруфида бўлган давлат ўрмон фонди ерларида овлашда — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги ўрмон хўжалиги органларининг ҳисоб рақамига ўтказилади.»;

5-бандда:

бешинчи ва олтинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин;

«бузиш содир этилган тақдирда — қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжа-

лигини ривожлантириш жамғармасининг вазначилик шахсий ҳисоб рақамига ёки қўриқхоналар, миллий табиат боғлари, биорезерват ва овчилик хўжаликлари ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Қолган барча ҳолларда, қўриқхоналар, миллий табиат боғлари, биорезерват ва овчилик хўжаликлари ҳамда давлат ўрмон фонди ҳудудидан ташқари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган қоидабузарлик экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан очилганда, ер майдонларининг тегишлилигидан қатъи назар, жарималар ва етказилган зарарни қоплашдан тушадиган барча сумма «Биоинспекция»нинг махсус ҳисоб рақамига тушади, ундан жарималар тўлаш ва етказилган зарарни қоплашдан тушган сумманинг 60 фоизи Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилади.»;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«7. Мусодара қилинган ов ва балиқ овлаш қуроллари, ноқонуний ов қилиш ва балиқ овлаш натижасида олиб қўйилган маҳсулотларни ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланишдан олинган маҳсулотларни сотишдан тушган маблағлар агар ҳуқуқбузарлик ўрмон фондидан ташқари ерларда содир этилган бўлса — «Биоинспекция»нинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади, шундан 60 фоизи Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилади.

Агар ҳуқуқбузарлик ўрмон фонди ерларида содир этилган бўлса мусодара қилинган ов ва балиқ овлаш қуроллари, ноқонуний ов қилиш ва балиқ овлаш натижасида олиб қўйилган маҳсулотларни ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланишдан олинган маҳсулотларни сотишдан тушган маблағлар 100 фоиз миқдорда тегишлилиги бўйича ҳуқуқбузарлик содир этилган хўжалик ҳисоб рақамига ўтказилади.»;

8-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, давлат қўриқхоналари, овчилик, балиқ овлаш ва ўрмон овчилиги хўжалигини юритувчи юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг вазначилик шахсий ҳисоб рақамига, давлат қўриқхоналари, миллий боғ, биорезерват, овчилик ва балиқ овлаш хўжалигини юритувчи юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«10. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг вазначилик шахсий ҳисоб рақами маблағлари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган даромадлар ва харажатлар сметаси бўйича сарфланади. Даромадлар ва харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг вазначилик шахсий ҳисоб рақамининг маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги билан келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.»;

11-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. «Биоинспекция» инспекцияси махсус ҳисоб рақами ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг фазначилик шахсий ҳисоб рақамининг календарь йил охиридаги фойдаланилмаган маблағлари қолдиғи хизмат кўрсатувчи банкнинг ҳисоб рақамида қолади, ёпилмайди ва олиб қўйилмайди, кейинги йилга ўтадиган қолдиқ ҳисобланади.».

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарорига
9-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ўрмон фонди ерларида овчилик хўжалигини ташкил этиш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 12 октябрдаги 469-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2000 йил 20 мартдаги 98-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 3-сон, 13-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Угом-Чотқол Давлат Миллий табиат боғи ва Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси тўғрисидаги низомларни, Оҳангарон ва Бурчмулла ўрмон хўжалиги корхоналари уставларини тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 22 июндаги 262-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузуридаги Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 2 мартдаги 76-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2005 й., 8-9-сон, 68-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» 2005 йил 11 апрелдаги 99-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 21-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 10 августдаги 191-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2005 й., 32-33-сон, 247-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-

камасининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузурида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 2 мартдаги 76-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2009 йил 17 июндаги 167-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҚТ, 2009 й., 25-сон, 287-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрмон хўжалигини ривожлантиришни молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 10 июндаги 198-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 51-модда).